Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 215 (20. 183) • 1988 йил 18 сентябрь • якшанба

Баҳоси 3 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● Ҳар олтин чаноқ мардона меҳнат маҳсули.

● Мисқоли жавоҳирга тенг пахтамизни тез ва соз териб олиш — Ватан даъвати.

● Сара уруғ — мўл ҳосил гарови. Уруғлик пахтани териш ва давлатга топширишда ГОСТ талаблари қатъий бажарилсин.

● Машина теримини уюшқоқлик билан бошлаб юборган илғор хўжаликлар, районлар ва областлардан ўрнак олинг.

● Дефолиация ишларига суръат ва сифат.

ИНСОНПАРВАРЛИК — ЖАМИЯТ МАЪНАВИЯТИНИНГ НЕГИЗИДИР

Инсон, унинг сиҳат-саломатлиги, ижодий фаоллиги — жамиятимизнинг асосий бойлигидир. Шу боисдан ҳам совет Сиҳат-саломатлик ва шафқат фондининг бунёдга келиши — демократиялаш даврининг хосияти ҳамда жамиятнинг маънавий куч-қудратини, унинг инсонпарварлигини ҳаётнинг ниҳоятда ўткир муаммоларини ҳал этишга сафарбар этишдек Ватанимиз ажойиб анъанасининг тикланишидир.

16 сентябрь куни Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида фондниг Бутуниттифоқ таъсис конференцияси бўлди. Бу ерга СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгаши, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, Совет хотин-қизлари комитети, ижодий союзлар ҳамда Сиҳат-саломатлик ва шафқат фондининг таъсис этувчилари бўлган бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг намояндалари тўпландилар. Фонд ташкилот комитетининг раиси, «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро фантехника комплексининг Бош директори С. Н. Федоров фонд фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари тўғрисида доклад қилди.

— Фондниг таъсис конференцияси,— деди у, жамиятимиз ҳаётидаги энг хавфли тақчилликлардан бири бўлган эзгулик, диёнат, раҳмшавқат тақчиллигини фаол бартараф этишга киришилганлигини акс эттиради. Қайта қуриш инсон қалбига ҳам дахлдор бўлиб қолди.

Нотиқ бўлажак ишнинг миқёслари ва асосий йўналишларини таърифлаб берди. Жамоатчиликнинг кенг доираларини саломатликни муҳофаза этишга, халқ соғлиғини сақлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш ишида ёрдам беришга, социал таъминотни кенгайтириш ва яхшилашда иштирок этишга жалб қилиш фондниг асосий мақсадларидан биридир.

Фондни давлат, жамоат ва кооператив ташкилотларининг кўнгилли взнослари, фонд ўтказаётган тадбирлардан тушадиган даромадлар, айрим гражданларнинг взнослари, туҳфалар ва васиятлар, бошқа кўпгина манбалардан олинаётган маблағлар ташкил этади. Фонд уставига мувофиқ маблағлар сиҳат-саломатлик марказлари тармоғини бунёд этиш, аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг кўламда жалб этиш учун тадбирлар ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, қариялар учун интернат уйлар қуриш ва уларни жиҳозлаш, гериатрия касалхоналари ва поликлиникалари бунёд этиш, пенсионерларга бепул доридармонлар бериш, уруш ва меҳнат инвалидларига, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига нафақалар бериш, шафқат хизматининг тармоғини вужудга келтириш ва ходимларга ҳақ тўлаш, ветеранлар клубларини очиш, пенсионерларнинг бўш вақтини уюштириш учун сарфланади.

Совет Сиҳат-саломатлик ва шафқат фонди зиммасига катта ва оғир, аммо олижаноб ва олийҳиммат вазифа тушмоқда, деди пировардида докладчи. Халқимиз, жамиятимизнинг инсонпарварлиги, муруввати ва раҳмдиллиги фонд ишида ифодасини топади.

Конференция қатнашчилари мунозара чоғида янги жамоат ташкилотини «Совет шафқат ва сиҳат-саломатлик фонди» деб аташ ҳақида қарор қабул қилдилар.

Конференция иштирокчилари Фонд уставини тасдиқладилар, унинг правлениеси ва ревизия комиссиясини сайладилар. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Н. Федоров правление раиси этиб сайланди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири В. А. Григорьев иштирок этди.

(ТАСС).

Красноярск меҳнаткашлари билан учрашув

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 16 сентябрь куни Красноярскда меҳнаткашларнинг вакиллари билан учрашди.

Учрашувда «Енисей» химия комбинатининг директори П. В. Романов, электр вагон ремонти заводининг бўлим бошлиғи А. С. Шадрин, ёзувчи А. Н. Немтушкин, Хакасия автоном областидаги «Московский» наслчилик хўжалигининг чўпони В. В. Ракин, «Химволокно» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси М. Т. Турушева, «Минусинск электротехника саноати комплекси» бирлашмасининг бош директори О. Ф. Жилин, Красноярск медицина препаратлари заводининг ишчиси Р. П. Митрофанова, Большая Мурта районидаги «Дружба» колхозининг раиси Г. В. Батртдинов, Сухобузимский районидаги «Миндерлинский» совхозининг сут соғувчиси Л. И. Гойдина, Красноярск шойи комбинатининг тўқувчиси Е. П. Горбачева, РСФСРда хизмат кўрсатган архитектор А. С. Демирханов, ўлка ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи А. И. Таюрский, «Бородинский» кони экскаватор машинисти Н. А. Мороз, Красноярск шаҳар ветераналар кенгаши раисининг ўринбосари Н. М. Филиппова, Черногорск жун газлама комбинатининг тўқувчиси Н. В. Скоробогатова, КПСС Туруханск район комитетининг биринчи секретари А. П. Зубаков сўзга чиқдилар.

Сўнгра Михаил Сергеевич Горбачев нутқ сўзлади.

(М. С. Горбачев нутқи газетада эълон қилинади).

(ТАСС).

КПСС ўлка комитетида суҳбат

16 сентябрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Красноярскда ўлка партия комитети бюросининг аъзолари, ўлка Совети ижроия комитетининг аъзолари, КПСС ўлка комитетининг бўлим мудирлари билан учрашди.

(ТАСС).

М. С. Горбачев Москвага қайтиб келди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 16 сентябрь куни Красноярскдан Москвага жўнаб кетди.

Аэродромда уни КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари О. С. Шенин, Красноярск ўлка ижроия комитетининг раиси В. И. Сергиенко, ўлка партия комитети бюросининг аъзолари, жамоатчилик вакиллари кузатиб қолдилар.

Кечқурун М. С. Горбачев Москвага қайтиб келди.

(ТАСС).

К. Фомвиханнинг СССРга амалий визитига доир

Лаос Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг Раиси Т. К. Фомвихан КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг таклифига биноан 1988 йил сентябрь ойи охирларида СССРга амалий визит билан келади.

Ўзбекистондан жўнаб кетишди

Совет Иттифоқига норасмий визит билан келган Финляндия Бош министри Харри Холкери Ўзбекистон билан танишди.

17 сентябрь куни Финляндиядан келган меҳмонлар Самарқандниг диққатга сазовор жойларини, тарихий ва меъморчилик ёдгорликларини кўздан кечирдилар. Улар Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтининг иши билан танишдилар.

Финляндиялик меҳмонлар Ўзбекистон сафари чоғида Тошкент ва Бухорода ҳам бўлдилар. Республика бўйлаб сафарда Финляндия Бош министри Х. Холкерига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов ҳамроҳ бўлдилар.

Меҳмонлар 17 сентябрь куни Москвага жўнаб кетишди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

АНДИЖОН, 17. (ЎзТАГ). Андижон область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжоновнинг область партия комитети IX пленумининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳамда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ва КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми йўлйўриқлари асосида область аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда коммунистларнинг вазифалари тўғрисидаги докладини муҳокама қилдилар.

Пленум XXI область партия конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

ҚАРШИ, 17. (ЎзТАГ). Бугун Қашқадарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Область партия, совет ва хўжалик органларининг XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорлари асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда коммунистларнинг вазифалари тўғрисидаги докладини муҳокама қилдилар.

Пленум XIX Қашқадарё область партия конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ФАРҒОНА, 17. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Фарғона область Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида область маҳаллий Советларининг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Депутатлар область судининг ҳисоботини ҳам тинглаб, муҳокама қилдилар.

Сессияда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров нутқ сўзлади.



ЙИҒИМ-ТЕРИМДА СУРЪАТНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК

Уруғлик пахта териляпти

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг заршунослари бу йилги ҳосил йиғим-теримини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай, қисқа муддатларда териб олиш пахтакорларнинг бош шиорига айланган. Теримчилар белгиланган норманн бажариш учун ғайрат кўрсатишяпти.

Хирмон юксалишида Муҳамаджон Раҳматов етакчилигидаги бригада аъзоларининг ҳиссаси катта. Мириш-корлар 91 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» олишга сўз беришган. Бу планда кўзда тутилганидан беш центнер кўпдир.

Бригада аъзолари ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Теримчиларни мукофотлаш учун совринлар ажратилди. Юксак иш унумига эришиш учун пахтакорларга барча қулайликлар яратилаётир.

Суратда: бригада бошлиғи М. Раҳматов илғор теримчилар билан суҳбатлашмоқда.

Б. Алимов фотоси.



ПАХТАКОРЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

Республикани идора қилувчи органлар пахтани ўз кучлари билан ўз вақтида йиғиб териб олишдан колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш учун, бу ишнинг кўп меҳнат талаб қилишини, пахта терими суръат ва сифатининг муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ва Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг таклифи юзасидан кўл терими ва ерга тўкилган пахтани териб олишда тариф разрядини ошириш тўғрисидаги илтимоснома билан СССР ҳукуматига мурожаат қилдилар.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети билан ВЦСПС Секретариати 1988 йил 2 сентябрдаги қарори билан бу илтимосни қондирди ҳамда қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигида механизациялаштирилган ишлар ва кўл ишлари тарифлари справочнигига ўзгартишлар киритди.

Бу ўзгартишлар нималардан иборат?

Бу саволга Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бошқармасининг бошлиғи М. С. Расулов жавоб беради:

Илгари пахтани қўлда териш ҳамда ерга тўкилган пахта ва кўракни териб олиш учинчи разряд бўйича тарификация қилинган бўлса, эндиликда қарорга мувофиқ пахтани қўлда териш ва ерга тўкилган пахтани териб олиш бешинчи разряд билан тарификация қилинган, кўрак териш эса олдинги даражада — учинчи разрядда қолдирилган.

Масалан, илгари хўжаликда пахтанинг очилишига қараб бир сменада 50 килограмм пахта териш нормаси белгиланган бўлса, ишчилар ва колхозчиларнинг меҳнатига ишбай учинчи разряд билан ана шу норма учун 3 сўм 37 тийин тўланган. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1986 йил 17 сентябрда чиқарган «Халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларининг янги тариф ставкалари ва мансаб окладларини жорий этиш ва иш ҳақи тўлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бундан олдинроқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тартибига ўтказилган хўжаликларда нормани бажарганлик учун 4 сўм 16 тийин тўланар эди. Ҳосилни қисқа муддатда нобуд қилмай териб олиш учун расценкаларни 15 процент оширилганлиги ҳисобга олиниб, теримнинг қизғин давом этадиган 45 куни ичида теримчиларга қуйидагича ҳақ тўланар эди; 3 сўм 37 тийин, 1,15 коэффициентига кўпайтирилиб, нормада кўзда тутилган 50 килограммга тақсимланса, терилган ҳар килограмм пахта учун 7,7 тийин тўланиши маълум бўлади. Нормадаги пахта учун 4 сўм 16 тийинлик расценкада бир килограмм пахтага 9,56 тийин ҳақ тўланарди.

Эндиликда хўжаликларнинг юқорида айтилган биринчи группасида (республикада бундай хўжаликлар ҳозирча ҳамма хўжаликларнинг 98 процентини ташкил этади) бешинчи тариф разряди жорий этилгач, нормадаги пахтани терганлик учун 4 сўм 06 тийин, илгари меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтказилган иккинчи группа хўжаликларда 5 сўм 31 тийин тўланади, яъни ҳақ тўлаш 15 процент оширилишини ҳисобга олганда, биринчи группа хўжаликларда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 9,3 тийин; иккинчи группа хўжаликларда 12,2 тийин тўланади.

Шуни таъкидлаш керакки, меҳнатга ҳақ тўлашни ўзгартиришни хўжаликнинг белгилаб қўйилган иш ҳақи фонди доирасида амалга ошириш керак. Ҳақ тўлашнинг янги тартиби қарор қабул қилинган кундан, яъни шу йил 2 сентябрдан жорий этилди.

(ЎзТАГ).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 17 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани	
			Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	2,85	26,78	1,81	7,03
Қашқадарё	2,12	15,40	1,62	7,06
Андижон	1,29	15,15	0,15	0,46
Фарғона	1,74	13,12	0,16	0,51
Наманган	1,25	10,80	0,07	0,11
Сурхондарё	1,12	9,21	0,74	1,59
ҚҚАССР	1,28	7,80	0,87	2,44
Бухоро	1,44	5,88	0,10	0,13
Тошкент	0,68	5,29	0,13	0,24
Самарқанд	0,43	1,79	0,05	0,10
Сирдарё	0,40	1,43	0,19	0,46
Республика бўйича:	1,26	9,63	0,50	1,74
Шу жумладан нигичка толали пахта:				
Наманган	2,04	22,44	—	—
Сурхондарё	1,14	10,20	0,92	1,82
Қашқадарё	0,91	6,05	0,41	0,84
Самарқанд	1,11	5,05	—	—
Бухоро	0,03	0,03	—	—
Республика бўйича:	1,03	8,55	0,70	1,40

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 17 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	6,9	100,0
Тошкент	7,5	90,6
Сирдарё	8,8	89,0
Сурхондарё	6,9	77,9
Наманган	7,2	69,3
Хоразм	6,0	58,7
Қорақалпоғистон АССР	7,0	52,6
Андижон	5,3	44,5
Бухоро	8,8	40,7
Самарқанд	7,0	24,5
Фарғона	4,8	20,7
Республика бўйича:	7,2	65,6

90 процент ҳосил машиналарда

Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхози меҳнаткашлари етиштирилган пахта ҳосилини четдан ёрдам олмай ўз кучлари билан йиғиштириб олишга қарор қилдилар.

1987 йилда хўжалик деҳқонлари 6840 тонна ўрнига 7,5 минг тонна пахта тайёрлаган эдилар. Ҳосилдорлик олдинги йилга нисбатан гектар бошига қарийб 3 центнер кўп бўлди. Ялпи ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан териб олишди. Ҳар бир «зангори кема» билан 74,5 тоннадан пахта терилди.

Бу йил совхоз заршунослари ялпи ҳосилнинг 90 процентини «пўлат этаклар»дан тўкишга, пландаги 6530 тонна ҳосилнинг камида 5900 тоннасини бункерлардан ағдаришга, ҳар бир агрегат билан 85 тоннадан «оқ олтин» териб олишга аҳд қилдилар. Мавсумда 70 та пахта териш машинаси, 7 та кўрак юладиган ва 17 кўрак чувийдиган механизмлар, 8 та пахта юклагич агрегат ва 100 та пахта ташийдиган трактор прицепи ишлатилади. Дефолиация тугалланди. 15 сентябрдан 70 та машинанинг ҳаммаси теримга тушди.

Йиғим-терим мусобақаси ҳар беш кунда якунланиб, пешқадамлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилади.

Совхозда пахта штаби ташкил этилиб, жанговар варақалар, деворий газеталар чиқиб турибди. Илғорлар шарафига байроқлар кўтарилмоқда. Совхоз партия ташкилоти ва маъмурияти мавсумда 120 тоннадан ортиқ пахта терган механик ҳайдовчиларга — 300 сўм, 100 тоннадан зиёд терганларига — 150 сўм, 80 тоннадан ошиқ пахта терганларга 100 сўмдан мукофот беришга қарор қилди. Машина теримида ҳосил ифлослиги 10 процентдан ошмаган тақдирда механик-ҳайдовчиларга ҳар бир тонна пахта учун қўшимча 3 сўмдан ҳақ тўланадиган бўлди.

Хўжалик миришкорлари пахта тайёрлаш йиллик планини булутсиздан ярим ой олдин — октябрь ойи ўрталарида, зиммага олинган социалистик мажбуриятни эса ой охиригача бажариш юзасидан янги мажбурият олдилар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КУЧ-ҒАЙРАТЛАРНИ БИРЛАШТИРАЙЛИК

Икки область бирлашиб, ниҳоят ягона регион қайта тикланди. Натижада бошқарув аппарати ходимларининг кўпдан-кўп қисмини қисқартиришга, бир-бирининг ишини такрорламасликка муваффақ бўлинади. Ишдаги англашилмовчиликлар камроқ, аниқлик ва масъулият кўпроқ бўлади. Шу сабабли Мирзачўл механизаторларининг аксарият кўпчилиги Сирдарё ва Жиззах областлари бирлашишини ҳамда унинг истиқболини тўғри тушундилар. Редакциямизга келаётган хатлар ва телефон қўнғироқлари шундан далолат бериб турибди.

ОБЛАСТЬ МАРКАЗИ ДЕЙСИЗМИ? ТЎҒРИ ТАНЛАНГАН

Жиззах ва Сирдарё областлари партия комитетларининг бирлашган пленумини ҳаяжон билан кутяпман. Пленумда суҳбат жўн бўлмаслигини биламан. Чунки областларни бирлаштириш ғоясига амалда қаршилар йўқ, лекин область марказини танлаш масаласида фикрлар бўлиниб қолди. Лекин бир фикрга келинди ҳам — Жиззах шаҳри область маркази қилиб танланди. Бу тасодифий эмас. Иқтисодий, экологик ва демографик омиллар туфайли ана шундай қарор қабул қилинди.

Менинг асосий касбим архитекторлик, фақат вақтинча касбимни ўзгартиришга тўғри келди. Шунинг учун ҳам архитектор сифатида ўз мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Жиззах шаҳри энг юксак даражадаги талаблар асосида лойиҳалаштирилган. Энг муҳими шундаки, йирик саноат зонаси уй-жой массивларидан ташқарида жойлаштирилган. Янги микрорайонлар қуриш учун жой етарли. Гулистонда эса бунинг акси. Бинобарин, Гулистон шаҳрида янги объектларни суғориладиган ерлар ёки ҳозиргача фойдаланиб келинаётган уй-жой фонди ҳисобига қуришга тўғри келган бўлур эди. Энди ўзингиз айтинг, бунинг нима фойдаси бор? Ўйлайманки, ҳеч қандай фойдаси йўқ.

Бунинг устига Гулистонда уй-жой қурилиши ва уни авайлаб асрашда сизот сувларнинг яқинлигини, қурилаётган уйлар анча қимматга тушишини ҳисобга олишга тўғри келади. Шундай экан, кимларнингдир иззат-нафсини деб халқ пулларини шамолга совуриш керакми? Обрўли мансабларидан маҳрум бўлаётган шахсларга келсак, бизда мутахассислар ниҳоятда етишмайди, ҳеч ким ишсиз қолмайди. Тўғри, баъзилар ўз кабинетида қоғоз варақлаб ўтириб, иш ҳақи олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Лекин бундай кишилар тез орада область марказларида ҳам, республика пойтахтида ҳам қолмаслигига ишонаман. Чунки мамлакатимизда бошланган қайта қуриш кундан-кун авж олиб, жадаллашиб бормоқда. Ўз мансабларига жонжаҳдлари билан ёпишиб олган бюрократлар қайта қуриш йўлидан боролмайди.

Л. ТОҒАЕВА,
Дўстлик район агросаноат бирлашмаси кадрлар бўлимининг бошлиғи, область партия комитетининг аъзоси.

МЕН АНИҚ ҲИСОБ-КИТОБ ТАРАФДОРИМАН

Жиззах ва Сирдарё областларининг бирлаштирилиши халқ хўжалигига катта самара беради. Чунки ҳар икки область аслида иқтисодий алоқалар йўлга қўйилган, табиий-географик жиҳатдан ягона бўлган региондир. Маъмурий чегаралар эса унга фақат халақит беради. Шу сабабли Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини, айниқса мазкур Фармондаги янги областнинг маркази Жиззах шаҳри қилиб белгилансини, деган сатрини қўллаб-қувватлайман ва маъқуллайман.

Лекин, тан олишим керакки, юрагимни нимадир тирнаётганга ўхшайди. Зотан Гулистон шаҳрига жуда кўп меҳнат сарфланди, бу ердаги ҳамма нарса таниш ва қадрдон. Аммо мен иқтисодчиман. Шу сабабли ҳис-ҳаяжонларга берилмай аниқ ҳисоб-китоб тарафдориман. Қуруқ иқтисодий рақамлар орқасида бизнинг асл манфаатларимиз, халқнинг миллион-миллион пуллари яширинган. Бу пулларни ортиқча бошқарув аппаратларини қисқартириш ҳисобига тежаб қоламиз, бўшатиб олинган маъмурий қасрларга янги касалхоналар ва поликлиникалар кўчиб киради. Натижада Гулистонликлар фақат ютиб чиқишларига ишончим комил. Чунки шаҳарда соғлиқни сақлаш, турмуш ва маданият муассасалари учун кўплаб бинолар бўшайди.

Х. ҒОЙИБНАЗАРОВ,
Оқ олтин районидаги Ворошилов номли совхознинг бош экономисти.

Партия турмуши: қайта қуриш чорраҳаларида

СЕКРЕТАРЬ САЙЛАНДИ

Бироқ шаҳар партия комитети пленуми пухта тайёргарликсиз ўтди

Баҳритдин Рўзиевни навоийликлар яхши билишади. У шу ерда меҳнат фаолиятини бошлаган, партия сафига қабул қилинган. Шаҳар, кейинчалик область комсомолларига етакчилик қилган. Яқинда эса КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини тугатди, тарих фанлари кандидати бўлди. Лекин у партия дорилфунунининг машаққатли ўқув имтиҳонларидан сўнг коммунистлар олдида яна бир санъатини ҳам намойиш этиши лозим эди...

Шу боис бу имтиҳонга ҳам пухта ҳозирлик кўришига тўғри келди. Шаҳар ҳаёти, партия ташкилотларининг иш усул ва услубларини, КПССнинг кейинги қарорларини синчиклаб ўрганди. У коммунистлар олдида ишбилармонлиги, тажрибага эга эканлиги, кишиларга етакчилик қилиш санъатини ҳам намойиш қилиши лозим эди...

Навоий шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари партия мактабига йўл олгач, унинг ўрни бўш қолди. Хўш, бу лавозимга ким лойиқ кўрилади? У илгаригидай тайинланадими ёки замон руҳига мос иш тутилиб, демократик асосларда сайланадими? Шаҳар партия комитети иккинчи йўлни танлади. Иккинчи секретарни пленумда комитет аъзолари томонидан сайлаб қўйишга қарор қилинди.

Бу ўринга беш кадрнинг номзоди тавсия қилинган эди. Узоқ таҳлил ва кенгашлардан кейин иккитасининг номзоди яширин овоз бериш йўли билан сайлашга қўйиладиган бўлди. Агар шаҳар партия комитети аъзолари истаган тақдирда ўзлари лозим деб топган бошқа кишиларни ҳам кўрсатишлари мумкин эди.

Иккинчи номзод — Ҳусейн Фахритдиновнинг ҳаёт йўли ҳам характерли. Комсомолда чиниққан, армияда хизмат қилган, олий партия мактаби таълимини олган, Навбаҳор райкомида иккинчи секретарь бўлиб ишлаган. Кейинги пайтда область ижроия комитетида масъул секретарлик қилаётган эди. Уни ҳам навоийликлар яхши танишади.

Кўриниб турибдики, номзодларнинг иккови ҳам муносиб. Кимни сайлаш коммунистларнинг ҳукмига ҳавола. Турган гап, бундай вазиятда бир қарорга келиш ҳам осон эмас. Пленум ўтаётган пайтда биз суҳбатлашган кишилар шундай мулоҳазани билдиришди.

— Биз уларнинг позицияларини, иш программаларини эшитайлик-чи? — деди «Югпроммонтаж» қурувчиси Зиёдулла Қулматов. — Шундан кейин бир қарорга келиш мумкин бўлади.

Рўзиев ва Фахритдинов минбарга кўтарилиб, ўз программаларини баён қилишди. Иккаласиники ҳам бир-бириникига ўхшаш, шаҳар ва шаҳарликларнинг энг долзарб проблемаларини ҳал қилишга қаратилган. Шаҳар партия комитети иккинчи секретарлигига сайлангач, қандай иш усул ва услублари билан олддаги вазифаларни амалга оширишади? Худди шу масалаларга келганда Б. Рўзиевнинг фикрлари жонлироқ ва конкретроқ чиқди. Ҳ. Фахритдинов эса, умумийроқ тарзда мулоҳаза юритди. Қуйидан берилган саволларга жавобларда ҳам бу ҳол такрорланди.

Сайлов жараёни бошланди. Пленумда қатнашган 38 шаҳарком аъзосидан 24 нафари Б. Рўзиевга овоз берди. 10 киши Ҳ. Фахритдиновга, қолганлари яширин овоз бериш даврида фамилияси киритилган учинчи бир кишига.

Демократик асосда ўтказилган сайлов натижасига кўра, Б. Рўзиев Навоий шаҳар партия комитетининг иккинчи секретарлигига сайланди. Унинг масъулиятли янги ишига, коммунистлар ишончини оқлашига муваффақиятлар тилаб, ушбу маълумотни эшитган пленум аъзолари ўз ўринларидан турдилар.

Сайлов якунлари ҳақида Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ғ. Ғуломов ахборот берди.

Пленумда қатнашган 38 шаҳарком аъзосидан 24 нафари Б. Рўзиевга овоз берди. 10 киши Ҳ. Фахритдиновга, қолганлари яширин овоз бериш даврида фамилияси киритилган учинчи бир кишига.

Демократик асосда ўтказилган сайлов натижасига кўра, Б. Рўзиев Навоий шаҳар партия комитетининг иккинчи секретарлигига сайланди. Унинг масъулиятли янги ишига, коммунистлар ишончини оқлашига муваффақиятлар тилаб, ушбу маълумотни эшитган пленум аъзолари ўз ўринларидан турдилар.

Сайлов якунлари ҳақида Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ғ. Ғуломов ахборот берди.

Пленумда имкони борича барча аъзоларнинг иштирок этиши таъминланмади. Уни ўтказиш аввало соат ўнга белгиланган эди. Лекин бу вақтга шаҳаркомнинг 69 аъзосидан фақат 31 нафари йиғилди, холос. Маълумки, белгиланган инструкция талабларига биноан секретарлар сайлов йўли билан сайланаётган пайтда комитет аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашсагина у ваколатли ҳисобланади. Бу ерда эса ана шу нормадаги кишиларнинг йиғилишини таъминлаш учун пленумни икки соат кейинга кўчиришга мажбур бўлинди. Ҳарқалай, шаҳарком аъзоларидан 38 киши тўпланғачгина сайловни ўтказишга эришилди.

— Биз содир бўлган воқеани таҳлил қилдик, — деди шаҳар партия комитети биринчи секретари А. Горнастаев йиғилганларга. —24 киши меҳнат отпускасида ва командировкада экан. 7 киши сабабсиз қатнашмади. Бесабаб иштирок этмаганларга нисбатан навбатдаги пленумда партиявий чора кўрилади.

Шу ерда бир савол туғилди: балки пленумга сабабсиз иштирок этмаганларнинг айби йўқдир? Улар пленум бўлишини эшитмай қолишгандир? Аслида ҳамма айб шошма-шошарликда эмасмикан?

Ҳа, биз янгича яшашга, демократия асосида ишлашга эндигина ўрганяпмиз. Аммо бу ҳол ҳеч бир кишини масъулиятдан, тартибинтизомга риоя қилишдан, айниқса партиявий ишдаги масъулият ва жавобгарликдан озод қилмайди. Чунки, бунга йўл қўйилиши амалга оширилаётган янгича иш услубларига нисбатан ҳам кишиларда ишончсизлик туғдириши мумкин.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХАТ ОРТИДА ИНСОН БОР

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида тўғри таъкидланганидек, бугунги кунда халқ оммаси қайта қуриш натижаларига энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги, инсоннинг бошқа ҳаётий эҳтиёжларини қондиришдаги силжишлар нақадар сезиларли бўлишига қараб баҳо бермоқда. Биз бу вазиятни омма билан узвий алоқаларни мустаҳкамлаганимиз сайин тобора кенгроқ билиб оляпмиз. Шунинг учун ҳам халқ депутатлари Оҳангарон район Советининг ижроия комитети меҳнаткашларнинг ариза, шикоят, хат ва бошқа илтимосларини ўрганиш, уларнинг ўринли талабларини бажаришга эътиборни кучайтирмоқда.

Район Советининг ижроия комитети кейинги вақтда меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари билан ишлаш маъсалаларини икки марта ижроком йиғилишларида қараб чиқди. Ҳозирги кунда район ижроия комитети барча аъзоларининг бир ойда икки мартадан қишлоқ Советларига бориб меҳнаткашларни қабул қилиши одатга айланмоқда. Бу тадбирлар ўз натижаларини кўрсатмоқда. Халқ депутатлари Телов, Қорахтой, Сусам қишлоқ Советларида меҳнаткашлардан тушаётган хат ва шикоятлар сезиларли даражада қамайди. «Дўстлик», «Инқилоб», «Бирлик» қишлоқ Советларида ўтказилган «Очиқ хатлар куни»да юздан ортиқ меҳнаткашнинг илтимос ва талаблари қондирилиб, муҳим социал проблемалар зудлик билан ҳал этилди.

Масалан Куйбишев номли совхознинг ишчиси Қаюм Қаршибоев район Совети ижроия комитетига мурожаат қилиб Мушчоқтепа қишлоғида ичимлик сувнинг танқислигини хабар қилган эди. Хат олинганидан етти кундан сўнг қишлоқ аҳолиси тоза водопровод сувидан ичадиган бўлди. Серго номли совхоз болалар боғчасининг тарбиячиси Ҳадичахон Анорбоева ўзининг ишдан нотўғри бўшатилганини айтиб, уни қайтадан ўз ишига тикланишини илтимос қилган. Шикоят хати олингандан уч кун кейин у яна ўз вазифасига тикланди. Телов қишлоқ Советида истиқомат қилувчи Назирали Дадабоев Шовғоз қишлоғининг йўли ҳаддан ташқари ёмонлиги, қишлоқни Телов ва Оҳангарон билан боғлайдиган автобус маршрути билан таъминлаш зарурлигини маълум қилди. Қисқа муддатда Шовғоз қишлоғининг йўллари сифатли ремонт қилинди, 1 июлдан бошлаб эса қишлоққа автобус қатнай бошлади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фақат шу йилнинг ўзида меҳнаткашлардан тушган шикоят ва хатларда кўтарилган масалалар бўйича районимизда 22 километрдан ортиқ йўллар, олтита болалар боғчаси, 12 та дала шийпони, 9 та ҳаммом, иккита чойхона, учта умумий овқатланиш муассасалари ремонт қилинди. Қишлоқларда умумий ҳажми 34 километрли водопровод қувурлари ўрнатилиб аҳоли тоза ичимлик суви билан таъмин этилди. Телов, Облиқ, Сусам қишлоқ Советларида ҳар бири икки-уч оилага мўлжалланган 20 дан ортиқ уй-жойлар қурилди, кооператив ва давлат йўли билан ишлайдиган анчагина умумий овқатланиш муассасалари янгидан очилди. Ҳозирги кунда «Ангрен», «Оҳангарон» совхозларида омма талаби асосида янги мактаблар ва болалар боғчалари қурилмоқда.

Район ижроия комитетининг аъзолари жойларда бўлиб меҳнаткашларни қабул қилиши туфайли жуда кўп социал масалалар ўша жойнинг ўзида конкерт ҳал қилинмоқда. Масалан, район молия бўлимининг мудири А. Мусаев «Бирлик», район план комиссиясининг раиси Ҳ. Нурхўжаев «Дўстлик», район Совети ижроия комитетининг масъул котиби А. Абдулҳақов «Инқилоб» қишлоқ Советларида меҳнаткашларни қабул қилганларидан сўнг магазинларни турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этиш оператив равишда ҳал қилинди. Чўпонларга савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатишда силжиш бўлди. Меҳнаткашларнинг 12 фарзанди болалар боғчасига жойлаштирилди, иккита меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини текшириб, чора кўришда раҳбар ходимлар, депутатларнинг даврa суҳбатидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, «Октябрь», «Оҳангарон» совхозлари, шунингдек Кўксарой, Увак, Ленинчи аҳоли пунктларида ўтказилган давра суҳбатлари очиқ ошкора, жонли ўтди.

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига ўз вақтида жавоб бериш, улар кўтарган масалаларга эътибор билан ёндошиш шунга олиб келдики, омма кўтарган жуда муҳим масалалар районда озиқ-овқат савдоси, ободончилик проблемаларини изчил равишда ҳал этилишига амалий ёрдам бермоқда. Натижада тушаётган хат ва шикоятлар сони тобора камайиб бормоқда. Агар 1986 йилда район Совети ижроия комитетига меҳнаткашлардан 482 та хат ва шикоятлар тушган бўлса, 1987 йилда уларнинг умумий сони 338 тага, 1988 йилнинг ўтган олти ойи ичида 106 тага тушди. Ижрокомга меҳнаткашлардан тушган оғзаки мурожаатлар ҳам камайиб бормоқда.

Ҳар бир хатнинг орқасида конкрет инсон бор. Бинобарин, уларнинг барча ўринли талабларини қондириш халқнинг ўзи сайлаб қўйган Советлардаги мухтор вакилнинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Аммо, меҳнаткашлардан келаётган хатлар кўрсатадики, айрим қўйилган масалаларни фақат область миқёсидаги раҳбарлар ҳал қилиши мумкин. Шундай экан, қишлоқлардаги меҳнаткашларнинг область ва республика миқёсидаги раҳбарлар билан учрашувларини, министрларнинг қишлоқ меҳнаткашлари билан бевосита мулоқотларини янада кўпроқ уюштириш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда меҳнаткашларнинг хатлар ва сўровларига бефарқ муносабатни тамомила тугатиш лозим. Шунинг учун ҳам халқ депутатлари район Совети ижроия комитети бу масалада ўзининг ваколати, таъсир ва назорат этиш имкониятидан самарали фойдаланиш, йўл қўйиб келинган камчиликларни тугатишга интилмоқда.

С. ПЧЕЛКИНА,
халқ депутатлари Оҳангарон район Совети ижроия комитети раиси ўринбосари.

• Маҳаллий Советлар: тажриба ва муаммо


РЕЗЕРВЛАР ҲИСОБИГА

Наманган машинасозлик заводида икки йилдан бери давлат қабули амал қилмоқда. Шу вақт ичида назоратчилар С. Комлев бригадаси ишлаб чиқарган буюмларни бирор марта ҳам қайтариб юборганлари йўқ.

Бинобарин, бригада энг кўп меҳнат талаб этадиган ишлардан бирини бажаради — қувур задвижкалари учун майда комплектловчи қисмлар тайёрлаб беради. Бу иш жуда ҳам аниқликни ҳамда диққат-эътиборни талаб этади.

Коллектив ишлаб чиқаришни такомиллаштириш борасида янги резервларни муттасил излайди. Бригада аъзоларининг деярли ҳаммаси рационализатордир. Бу ерда Р. Маткаримов, К. Мамажонов, В. Тагиров сингари тажрибали ишчилар меҳнат қилишмоқда. Улар ёшларга ҳунар ўргатишмоқда, ўз маҳоратлари сирларини саҳийлик билан ўртоқлашишмоқда.

(ЎзТАГ).



Марғилондаги «Атлас» фирмаси меҳнат аҳли ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатдан илгари бажариш учун мусобақани авж олдирмоқда. Штатсиз фотомухбир У. Қўшвоқов олган бу суратда корхонанинг пардозлов цехидаги иш жараёни тасвирланган.

Учта йўлдош учирилди

1988 йил 16 сентябрь куни Совет Иттифоқида «Протон» учирувчи ракетаси билан ернинг учта сунъий йўлдоши «Космос—1970», «Космос—1971» ва «Космос — 1972» учирилди.

Йўлдошлар Совет Иттифоқи Граждан авиацияси самолётлари ҳамда денгизчилик ва балиқ овлаш кемаларининг жойини аниқлашни таъминлаш мақсадида яратилаётган космик навигация системаси элементларини ва аппаратларини пишиқтиришга мўлжалланган.

Координация-ҳисоблаш маркази келаётган ахборотни қайта ишламоқда.

(ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

ФАРҒОНА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Чимион қишлоқ Совети территориясида яшовчи М. Охунжоновнинг хати ўрганилди. Район партия комитети гражданларнинг қабул қилиш ва уларнинг оғзаки ҳамда ёзма шикоятларини ҳал этишда айрим камчиликларга йўл қўйганликлари учун Чимион қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Х. Қурбоновни ва унинг ўринбосари М. Озиловани қаттиқ огоҳлантирди.

БОЙСУН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Райижроком Бойсун қишлоқ Советига қарашли Даштигаз қишлоғида яшовчи бир группа гражданларнинг аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш учун амалий ёрдам беришни сўраб ёзган шикоят хати юзасидан қуйидагиларни маълум қилади. «Қайроқ» водопроводининг капитал ремонт қилиниши муносабати билан қишлоқ аҳли вақтинча ташиб келтириладиган ичимлик сув билан таъминланган. Ҳозирги пайтда ремонт ишлари тугатилди. «Қайроқ» водопроводи ишга туширилди.

Шу билан бир қаторда район хўжаликларининг перспектив планига асосан қишлоқларни ичимлик сув билан таъминлаш «Хўжаипоқ-Бойсун» водопроводи ҳисобига амалга оширилади. Бу линия лойиҳалаштирилмоқда.

ҚИЗИЛТЕПА РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— «Бўстон» совхозида истиқомат қилувчи С. Аълоев «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига ёзган шикоят хати тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди. Ҳақиқатан аризачи совхоз электр монтерларига электр ускуналарини кўчириб бериш бўйича бир неча маротаба мурожаат қилган. Лекин натижа бўлмаган. Район электр тармоқлари идорасининг аралашувидан кейингина бу иш амалга оширилган.

Ўз ишига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун Тошрабод участкаси бош электр монтери А. Авезов қаттиқ огоҳлантирилди.

Шикоят хат коллектив ўргасида кенг муҳокама қилинди.

• «Пахтачилик ва қайта қуриш» мақоласини ўқиб

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига!

Кейинги пайтларда газета саҳифаларида муҳим назарий ва амалий муаммолар ёритилиб, кенг жамоатчиликнинг, олимлар ва барча меҳнат аҳлининг фикр-эътибори республикамиз ҳаётидаги долзарб масалаларга қаратилаётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Жумладан, шу йил 16 август (№187) сонида босилган «Пахтачилик ва қайта қуриш» мақоласида академик Мирзаали Муҳаммаджонов кўтарган муаммолар республикамизда яшаб турган ҳар бир кишини — пахтакору колхозчи, совхоз ишчиси-ю хизматчиларни, студентлар ва ўқувчиларни, олимлар ва шаҳар аҳли, партия, совет ходимлари — барча барчани тўлқинлантирмай қолмайди.

Мақолада жуда ўринли таклифлар билан бирга айрим баҳсталаб фикрлар ҳам бор. Шу муносабат билан ўз мулоҳазаларимни қоғозга тушириб, мен ҳам газетангиз саҳифасида ўртоқлашсам, деган ниятдаман.

Абдувоҳид АБДУҒАНИЕВ,

Тошкент Давлат университетининг иқтисод кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.

* * *

Редакция профессор А. Абдуғаниевнинг мақоламизга билдирган фикр-мулоҳазалари айни ҳозирги пайтда — пахта йиғим-терими даврида диққатга молик эканлигини инобатга олиб, газета саҳифасида чоп этишга қарор қилди.

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАҒБАТ—ОБЪЕКТИВ ЗАРУРАТ

— Мен, иқтисодчи олим сифатида ва ҳозирги туб иқтисодий ислоҳотни пахтачиликда амалга оширишни таъминлаш йўлида муаллифнинг «Колхоз-совхозларнинг раҳбарларига, мутахассисларига дефолиацияни қачон ва нима билан ўтказиш, ҳосилни териб олиш, ерларни шудгорлаш муддатларини белгилашда тўла мустақиллик бериш керак. Ўлардан фақат пировард натижа — пахта хом ашёси (тола) ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш бўйича давлат буюртмалари ҳамда шартнома мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш лозим», деган фикрига тўла қўшиламан ва қўллаб-қувватлайман.

Чиндан ҳам колхоз ва совхозларнинг, бригада, оила пудрати коллективларининг манфаатдорлигини ошириш йўлида уларнинг моддий даромадини кўтармоқчи бўлсак, қоғозда ёки оғизда эмас, амалий ишга кўчиш, деҳқонга мустақиллик бериш пайти келди. Афсуски, ҳозиргача ҳали кўп жойларда агросаноат органлари, РАПО раҳбарлари буйруқбозлик билан шуғулланмоқдалар.

Яқинда Наманган областида КПСС нинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси материалларини муҳокама қилиш ва аҳоли ўртасида тушунтириш мақсадида ишчилар ва колхозчилар, мутахассис ва раҳбарлар билан мулоқотда бўлганимда (Тўрақўрғон район колхозларида) шу йилнинг баҳор ойларида РАПО раҳбарлари ҳар бир колхозга пахта (тола) етиштириш давлат буюртмаларини белгилаш билан чекланиб қолмасдан, уларга қайси далада, қанча гектар ерга чигит экишни ҳам буюрганларини айтишди. Колхоз раҳбарлари ва мутахассисларининг аниқ ҳисоблари ва фойдали таклифлари инобатга олинмаган. Ваҳолонки, юлхоз мутахассислари ҳосилдор майдонга чигит қадаб, давлат топшириғини ошириб бажариш мумкинлигини ва бўшаган майдонга полиз экинлари экиб, колхозчилар талаблари ва эҳтиёжларини қондириш, қўшимча даромад олиш мумкинлиги тўғрисида аниқ таклифлар беришган.

Бироқ РАПО раҳбарлари ўз буйруқларини амалга оширишда тазйиқ ўтказишган, бундай «раҳбарлик» колхозчиларга қимматга тушмоқда ва даромад ўрнига нуқул зарар келтиряпти.

Ҳозирги хўжалик раҳбарлари олий маълумотли мутахассислар, ўз касбини пухта эгалланган, ишбилармон, уддабурон ташкилотчилар. Уларга тўла-тўкис ишонишгина эмас, балки иш тажрибасидан, «ҳаёт мактаби» берган билим ва закованинг ҳам тўла фойдаланиш керак. Акс ҳолда ҳозиргача кўп жойларда ҳукм сурган лоқайдлик, бефарқлик, масъулиятсизлик давом этаверади. Ахир, республикамизда содир бўлган кўнгилсиз жараёнларнинг келиб чиқишида асосий сабабларнинг бири — хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг лоқайдлиги эмасми!? Қачонгача раис, директор, агроном ва бошқа мутахассислар юқоридан буйруқ кутиб, фақат «ижрочилик» қилишади.

Шу билан бирга, академик М. Муҳаммаджоновнинг таклифларида эътирозли ўринлар ҳам йўқ эмас. Муаллифнинг «Беш кунлик ёки ўн кунлик мобайнида давлатга пахта топширишда юқори суръатни таъминлаган хўжалик ва районларни мукофотлаш учун кўчма Қизил байроқ таъсис этишдан ҳам воз кечиш даркор» деган фикрига ҳам қўшила олмаймиз. Чунки, социалистик жамиятда унумли меҳнатни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш — объектив зарурият.

Қолаверса, Владимир Ильич Ленин таъкидлаб айтганидек, янги жамиятни фақатгина ташаббускорлик билан эмас, балки моддий манфаатдорлик асосида қуриш мумкин. Мукофот ва Қизил байроқлар ҳалол, унумли меҳнат қилган колхоз, совхоз, район, область меҳнаткашларига куч бағишлайди, деб ўйлаймиз. Маънавий рағбат уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ҳиссиётларини кучайтириши, шубҳасиз.

Муаллифнинг яна бир фикри (таклифи) баъзи мулоҳазаларни келтириб чиқаради. «Теримчиларга пахтанинг килограммига қараб ҳақ тўланиши мақсадга мувофиқ эмас», деб ҳисоблайди олим ва бу масалани меҳнатни пудрат асосида ташкил қилиш билан боғлайди. Дарҳақиқат, пудрат асосида ишлаётган бригада ва оилаларда, агар пахта териш жараёни охиригача етказилса, бундай йўл тўғри бўлади ва шубҳасиз, ўз самарасини кўрсатади. Бироқ ҳозир пудрат асосида ишлаётган бригадалар, бўлимлар, участкалар ҳам бор-ку! Фикримизча, пахтачилик келтиради, тола сифати юқори бўлади, давлатга ҳам юқори баҳода сотилади.

Таажжубки, кўп йиллар давомида биз бунинг мутлоқ тескарисини кўриб келдик. Яъни дастлабки қўл теримида ҳар килограмм пахта учун ҳақ 5 тийиндан, кеч етилган ва паст сортли (масалан IV сорт) пахта учун эса ноябрь, декабрь ойларида 15—20 тийингача тўланди. Бу ҳол, боя айтганимдек юқоридан буйруқбозлик усулида тазйиқ ўтказиш «тадбирлар»ни оқибати, албатта.

Кези келганда, ошкоралик даври имтиёзларидан фойдаланиб, қайта қуриш тадбир-чораларини амалга ошириш йўлида қуйидаги фикрларни ўртага ташламоқчи эдим.

Маълумки, Ўзбекистон фақат СССРнигина эмас, балки барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини пахта толаси билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бутуниттифоқ ижтимоий меҳнат тақсимотида республика экономикасини, жумладан Ўзбекистон халқ хўжалигини юксалтиришда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантиришда юқоридан туриб бошқариш, марказдан туриб «планлаштириш» ва республикалар экономикасини субъектив тушунчалар асосида ихтисослаштириш — регион экономикасини анчайин чеклаб, уни фақат бир томонлама ўсишга олиб келади. Буни турғунлик йиллари оқибатлари яққол кўрсатди. Мақсадимиз эса — халқ турмушини янада яхшилаш, унинг эҳтиёж ва талабларини тўла қондириш ҳамда ҳар бир иттифоқдош республика экономикасини комплекс ривожлантиришдир.

Бунинг учун ҳозирги шароитда иттифоқдош республикалар тўла хўжалик ҳисоби принциплари асосида — ўз харажатларини ўз даромадлари ҳисобидан тўла қоплаш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида иш юритишлари керак. Энг аввало, ҳар бир республика ёки регионнинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги ўрнини илмий асослаб чиқиш зарур. Планлаштириш практикасида мустаҳкам ўрин эгалланган ҳар бир иттифоқдош республиканинг мамлакат экономикасида тутган ўрнини белгилашда, уларни «ихтисослаштириш» масаласига янгича ёндашмоқ лозим. Яъни республика экономикасининг Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотидаги оптимал «ихтисослашув» даражасини аниқлаб олиш зарур. Токи, республика аҳолисининг қанча қисми «ихтисослашган» тармоқларда банд эканлиги, қанча экин майдони ёки қанча асосий ишлаб чиқариш фондлари ихтисослашиши зарурлиги ҳақидаги ҳисоб-китоблар бўлсин. Наздимизда, шундагина ҳар бир республика экономикаси комплекс ривожланиб, аҳолининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўла қондириш имкони яратилади ва ўтган йиллар иллати — «монокультура» бартараф этилади. Шундагина, пахтачиликда қайта қуриш амалга ошиб, ҳавойи мажбуриятлар олинмайди, халқ орасида ҳар хил асоссиз «тахмин»лар, миш-мишларга ўрин қолмайди.

Бундай тахмин ва миш-мишларга чек қўйиш учун пахтадан бўшаётган экин майдонларига қайси экинларни экиш мақсадга мувофиқлигини хўжаликларнинг ўзлари белгилаши керак. Масалан, чорвачиликни жадал ривожлантириш учун унинг ем-хашак базасини вужудга келтириш лозим.

Булар менинг шахсий фикр, истак ва таклифларим, албатта. Эҳтимол, улар баҳсталабдир. Ҳақиқат баҳсда туғилади, дейишади. Бошқа муаллифлар ҳам ўз мулоҳазаларини билдирар, деган умиддаман.

«Орол—88» экспедицияси

ЭЛ-ЮРТ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

НАМАНГАН, 15 сентябрь. (ЎзТАГ мухбири Р. Бичурин). Наманган замини ҳам «Орол — 88» Бутуниттифоқ комплекс экологик экспедицияси маршрутига киритилди. Экспедиция қатнашчилари вертолётларда Ўрта Осиёнинг кўпгина дарёлари бошланадиган тоғдаги музликлар устидан учиб ўтиб ва юзлаб километр масофани тоғ даралари оралаб айланиб чиқиб, Фарғона водийсига келдилар.

Денгиздан бунчалик олис жойларга Орол фожиасининг қандай таъсири бўлиши мумкин, — деган савол туғилади. Ҳақиқатан ҳам бевосита таъсири бор экан.

СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг ходими М. Коваленко «Наманганская правда» область газетасининг редакциясида журналистлар ва жамоатчилик билан учрашувда қуйидагиларни айтди:

— Бутун Ўзбекистондаги сингари сизнинг областингизда ҳам сувдан фойдаланиш пайтида фақат унинг миқдорига аҳамият берилади, сувнинг ва суғоришнинг сифати тўғрисида эса кўпинча унутиб қўйишади. Ҳозир Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш схемаси тайёрланмоқда. Афтидан, ана шу схемада сувдан янада самарали фойдаланишга оид тадбирлар кўзда тутилган. Бугунги кунда Фарғона водийси далаларига оқиб келаётган сувдан омилкорлик билан фойдаланган тақдирда ҳозиргига қараганда анча кўпроқ майдонларни сувга яхши қондириш мумкин бўлади.

Машҳур демограф олим В. Переведенцев қуйидагиларни қўшимча қилди:

— Фарғона водийсининг ўзидагина суғориш системаларини реконструкциялаш ва тартибга солиш 7 куб километр сувни тежаш имконини беради. Бутун Ўзбекистон бўйича бу қанчалик самарали бўлади! Айни вақтда ана шу резервлар ишга солиниб, янгидан ўзлаштириладиган ерларни суғориш учун фойдаланилишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Янги майдонларни ўзлаштириш кетидан қувиб, экология соҳасида кўп нарсадан маҳрум бўлдик.

— Областингиздаги далаларни кезар эканмиз, баъзи жойларда экинлар кўллатиб суғорилаётганлигининг, сув исроф қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик, — деди Тожикистон ССР Давлат агросаноат комитети ҳузуридаги хўжалик ҳисобида ишлайдиган селекция ва уруғчилик экспериментал лабораториясининг раҳбари М. Жамаев. — Об-ҳаётдан ўйламай-нетмай фойдаланишга барҳам бериш пайти келди. Ўрта Осиёда сув олтин билан баравардир. Суғоришнинг кўпгина тежамли усуллари, масалан, томчилатиб суғориш усули бор-ку, ахир. Бироқ бу усулни бутунлай унутиб қўйганлар.

Доктор М. Жамаев селекциячи олимлар пахтакорлар олдида ғоят қарздор эканликларини ҳам айтиб: «Биз тезпишар пахта навларини яратиш устида кўпроқ иш олиб боришимиз керак, чунки бундай навлар сувни анча кам талаб қилади», — деди.

Экспедиция иштирокчилари кўпгина саволларга жавоб қайтардилар, ҳал этилиши Орол денгизини илгариги даражага олиб чиқиш имкониятини бермаса-да, ҳар ҳолда улкан регион — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги мавжуд экологик вазиятни соғломлаштириб, уни барқарорлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган муаммолар ҳақида гапириб бердилар.

Экспедиция составида олимлар, турли соҳа мутахассисларидан ташқари, ёзувчилар, публицистлар, журналистлар ҳам бор. Ёзувчи В. Караваев уларнинг вазифаси ҳақида гапириб бундай деди:

— Орол денгизининг ҳозирги ҳолати — денгиз теварагидагина эмас, шу билан бирга минглаб километр масофадаги замин ва у ерда истиқомат қилувчи аҳоли учун ғоят таҳликалидир. Бугунги кунда бу бутун халқнинг ташвишидир. Денгизни қутқариб қолиш умумхалқ ишидир. Биз ҳақиқий аҳвол ҳақида кўплаб одамларга гапириб бериш учун экспедицияда қатнашяпмиз. Биз ёзувчиликка берилиб кетмай, муаммога нисбатан холисона фикр билдиришга, шунингдек ҳозирнинг ўзидаёқ Орол ҳалокатининг хатарли таъсирини сезиб турган кўпгина одамларнинг фикрини ҳам етказишга ҳаракат қиламиз.

«Новий мир» журналининг публицисти В. Чуканов бундай деди:

— Орол денгизининг қақраб кетаётганлиги ва унинг оқибатлари — айрим раҳбар ходимларнинг шунингдек деҳқонларнинг ҳам экологияга нисбатан бепарволарча, ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган даражада менсимай муносабатда бўлганликларининг натижасидир. — У аҳоли, шу жумладан масъул ходимларнинг ҳам экологик билими ва маданияти ғоят паст даражада эканлигига эътиборни қаратди. Табиатдаги мувозанат пировард натижада экология маданиятига боғлиқдир. Жумладан, ерга ва сувга нисбатан айниқса, экин майдонлари техника ёрдамида суғориладиган зонада меҳр билан ва авайлаб муносабатда бўлиш экологик маданиятни билдиради.

«Орол—88» экспедицияси ўз ишини давом эттирмоқда.

ТЕХНИКАВИЙ ИЖОДКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти республика кенгашининг 16 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми техникавий ижодкорликни янада ривожлантиришга, Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти кенгашларининг қайта қуришни чуқурлаштиришга оид вазифаларига бағишланди. Пленум ишида ишлаб чиқариш новаторлари, министрликлар ва идораларнинг вакиллари, касаба союз активлари иштирок этдилар.

Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти республика кенгашининг раиси Т. Алимовнинг докладида, нутқларда ихтирочилар ва рационализаторларнинг ижодий фаолияти учун ҳали барча меҳнат коллективларида шароит яратилган, деб бўлмаслиги айтиб ўтилди. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти кенгашларининг иш услуби ҳамда методлари қайта қуриш талабларига мос келмайди, уларнинг фаолиятида собитқадамлилик ва қатъият етишмайди. Ишнинг янги форма ва методлари суст жорий этилмоқда.

Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти барча бўғинларининг ишини тубдан қайта қуриш талаб этилади. Касаба союз комитетлари ҳамда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг кенгашлари новаторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилишлари зарур. Ихтирочилик ва патентлизация ишида тадқиқотлар ҳамда ишланмалар ва бошқа хизматларга шартнома тузиш практикасини кенгайтириш лозим. Хўжалик ҳисобида ишлайдиган, янгиликни жорий этувчи ва воситачи ташкилотлар, муваққат ижодий коллективлар, инженер-техник кооперативлар катта истиқболга эгадир.

Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти республика кенгашининг инновацион банкда акционер сифатида қатнашаётганлиги ижобий факт, деб баҳоланди. Банк фойдасидан олинадиган даромадлар жамиятнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, новаторлик таклифларини пул билан таъминлашни жадаллаштириш имконини беради. Ихтирочиликка ва рационализаторликка кўмаклашувчи фондлар новаторлар учун катта мадад бўлиб қолиши керак. Пленум Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти шаҳар ва область кенгашларига ана шундай фондларни ташкил этишни тавсия қилди.

(ЎзТАГ).

СОВХОЗ КЛУБИ

Цитрус мевалар етиштирадиган «Термиз» совхозида очилган клуб хўжаликнинг бу йилги энг ажойиб янги қурилиши бўлди. Янги кўркам бинода 450 ўринли томоша зали, кутубхона, бильярдхона бор. Хўжаликда ташкил этилган «Лимон» ансамбли клубда биринчи бўлиб концерт берди.

Клубни совхоз ишчиларининг ўзларига совға дейиш мумкин. Улар қурилишда анча иш бажардилар, бино атрофида гулзор ва токзорлар барпо этдилар. Волейбол ва баскетбол майдонларини жиҳозладилар. Қурилиш учун маблағ совхоз хўжалик ҳисобига ўтиб ишлагандан кейин олинган фойдадан ажратилди. Хўжалик олаётган даромадлар уй-жой фондини кенгайтиришга, бошқа объектлар қуришга ажратилди: бу йил совхозда 62 та оила янги уйларга кўчиб киради, 90 ўринли болалар боғчаси қуриб битказилмоқда. Келгуси йилда яна бир болалар боғчаси ва мактаб қуриш мўлжалланди. (ЎзТАГ).

Ҳиндистонда совет турмуш тарзи, тарихи, тили, маданияти, санъатига бўлгани каби ўзбек халқининг классик ва совет давридаги адабиётига ҳам қизиқиш тобора ўсиб бормоқда. Ҳинд олими Лазиз Аҳмаднинг «Совет тафаккури ва мутафаккирлари» китобига кирган ўзбек адиблари ва адабиёти, маданияти ҳақидаги мақолалари бунга ёрқин мисол бўла олади.

АДАБИЁТ—ХАЛҚ РУҲИ

Ҳинд адабиётшуноси ўзбек адабиёти ҳақида

Л. Аҳмад қирқинчи йиллардан бошлаб Совет рус маданияти, социалистик адабиёти ва санъати, жумладан Ўрта Осиё адабиёти, маданияти, санъати, меъморчилиги тарихи ҳақида талай мақолалар ёзиб, уларни турли журнал ва газеталар саҳифаларида ёритиб келаётган филолог олим, адибдир. У мазкур мақолаларини йиғиб олтмишинчи йилларнинг охирроғида бир тўплам шаклида нашр эттирди. У ўз тўпламига ёзган сўзбошисида бу асарлар ёзилиши тарихи ва мақсадини ёрқин ифодалаб бундай дейди: «Коммунизм ва Совет Россиясига қарши империалистик кучлар тарғиботи ватандошларимизни гумроҳликка мубтало қилиб қўйган. Ҳақиқат ва воқифликка эришилгач, унинг таъсири зойил бўлади ва биз садоқат билан таниша оламиз. Маълумки халқларнинг руҳи уларнинг адабиётларида намоён бўлади».

Китобда ёритилган масалаларни унинг мундарижасидан тасаввур қилса бўлади. Чунончи «Совет адабиётининг оламшумул аҳамияти», «Совет адабиётининг новаторлиги ва унинг мартабаси», «Совет Ўрта Осиёси халқларининг адабиёти», «Ўзбекистонда фан ривожланиши», «Ўрта осиёлик санъаткорлар», «Ўрта Осиёнинг маданий тараққиёти тарихи», «Мулло Алишер Навоий», «Низомий Ганжавийнинг тараққийпарварлиги» мақолаларида муаллиф рус, озарбайжон, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман ва ўзбек классик ҳамда совет адабиётларининг ривожланиши йўлини ёритади. Китобнинг «Совет Ўрта Осиёси халқларининг адабиёти» деб номланган мақоласида Ўрта Осиё халқларининг Улуғ Октябрь инқилобидан кейинги тараққиёти, уларнинг ҳам иқтисодий, ҳам маданий ривожланиши қайд этилади. Ўрта Осиё республикаларида шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиётларнинг тараққиёти ҳақида гапирар экан, Абдулла Қодирий, Ғофур Ғулом, Ғайратий, Садриддин Айний, Аали Тўқомбоев, Ўроз Тошназаров, Лоҳутий, Ойдин Собирова каби ёзувчи ва шоирларнинг бу адабиётлар тараққиётида ўйнаган ролини тасвирлаб ўтади. «Ўзбекистонда фан ривожланиши» қисмида Ғафур Ғулом ҳақида, унинг машҳуру маъруфлиги ҳақида ҳикоя қилар экан Л. Аҳмад ёзади:

«Ғафур Ғулом янги Тошкентда бир чет эллик санъаткор билан учрашиб қолиб, уни ўз уйига таклиф этади. У шоирнинг адресини сўраса, Ғафур жавобан «Эски Тошкентга бориб истаган одамдан сўрасангиз, уйимга олиб бориб қўяди», — деди.

Бундан шу нарса равшанки, бир миллион аҳолили шаҳардаги эсини таниган ҳар бир шахс Ғафурнинг ўзинигина эмас, балки унинг уйини ҳам билади ва сўраган одамга уни кўрсатиб қўйишни ўзига шараф билади. Магар бу воқеа Ғафурнинг фавқулодда мақбулияти ва шуҳрати кўламидан дарак бериши билан бир вақтнинг ўзида Тошкент халқининг маданий даражаси юксаклиги ва кенглигидан ҳам далолат беради».

Муаллиф Ўзбекистон фанлар академияси Шарқшунослик институтида олиб борилаётган таҳқиқий-тадқиқий ишлар ҳақида ҳам батафсил сўз юритар экан, ундаги қўлёзмалар махзани дунёда энг бойлигини ҳам таъкидлайди.

Институтнинг қўлёзмалар фондида Деҳли салтанати тарихини ўз ичига олган, Яҳъё Сирҳиндий тузган «Тарихи Муборокшоҳи», Абдулҳамид Лоҳурийнинг Шоҳжаҳон даврининг тўла тарихини қамраган «Подшоҳнома»си, Синдҳ тарихини ёритувчи Саййид Жамол Шерозийнинг «Тархонномаси»ни, «Хулосатул таворих»нинг нодир нусхаси сақланаётганини алоҳида қайд этади. Л. Аҳмад бундан ташқари Ҳиндистонга оид яна ўнлаб нодир қўлёзмалар мавжудлигидан дарак беради.

Луғат китобларидан «Фарҳанги Жаҳонгирий», фалакиётга оид Рожа Жай Сингҳнинг зижи нусхаси, Панжоб шоири Абул Фараҳ Рунийнинг девони, Амир Хисрав Деҳлавий асарларининг йигирма тўртта нусхаси, булардан бири Ҳофиз Шерозий қўли билан нақл этилганлиги ва бошқаларни батафсил баён этади.

Фондда Ҳиндистонда чоп этилган ажойиб нусхалар ҳам мавжудлигини таъкидлайди.

«Бу идора, — деб ёзади Л. Аҳмад институт қўлёзмалар хазинасини назарда тутиб, —бутун Совет Иттифоқида машҳур ва бой саналади ва шу сабабдан у дунёнинг энг танилган кутубхоналаридан биридир».

Китобнинг «Ўрта осиёлик санъаткорлар» бобига Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ҳамза Ҳакимзода, Тамарахоним, Жамбул ҳаёти ва ижоди ҳақида мақолалар киритилган.

«Ғафур Ғулом — ўзбек шоири» деб номланган мақолада муаллиф ўзбек адабиёти ва фани Алишер Навоий ва Улуғбек замонида тараққий этган ва сўнг таназзулга учраган пайтлари бўлганлигини тасвирлар экан, ҳозирги ўзбек адабиёти тўла ривожланиш йўлида эканлигини таъкидлаб бундай дейди: «Бугун ўзбек шеърияти ва адабиётининг қуриб қолган гулзорларига янги давр мироблиги туфайли, яна баҳор келди. Кейинги ўн йилликлар давомида санъати такомили тан олинган кўплаб шоир ва адиблар майдонга тушдилар ва ўз новаторликлари ҳамда қудрати билан боғларни чаманзор этмоқдаларки, уларнинг шахсиятлари намоён ва сарбаланддир. Ҳозирги Ўзбекистонда қадимий шеър услуби билан бир қаторда янги жанрлар ҳам мақбул ва комрон бўлмоқда. Бу санъат ва камолоти арбоблари ичида Ғафур Ғулом ҳам бор. Шеър ва адабиёт билан шуғулланиш унга ота меъросдир, ва шуни айтсак бежо бўлмайдики, шеърият унинг маҳрига тушган.

Ғафур Ғуломнинг асарларида ҳаёт нафас оладики, у ўз халқининг ва миллатининг шоиридир. Инсоният олами билан яқинлашиш ва ришта унинг шеърияти жонидир».

Мақолада Ғафур Ғулом яратган хотин-қизлар образига алоҳида тўхталган муаллиф зўр мароқ билан унинг маҳоратига тан беради: «Ўзининг бир шеърида Ғафур аёл кишига шундай бир ҳайкал ўрнатадики, унинг кўксида она, опа-сингил, севгили хотин — барчаси мужассамдир. Шу нуқтага эътибор берса арзигулик... асрлар давомида хотинларга фақат чўри, хонадон жиҳози, эрнинг эрмаги, болалар доясиси, ошпаз, яъни нима бўлса бордирки, фақат бир инсон эмасди».

Ҳиндистонлик журналист Бомбайда нашр этиладиган «Блиц» газетасининг хорижий редактори Ромеш Сангҳвийнинг Тошкентда Ғафур Ғулом билан учрашуви ҳақида ёзаркан Ғафур Ғулом Ўзбекистоннинг Тагори деган қарорга келади.

Социалистик қурилиш бошланганида Ғафурнинг шеърлари халқни ишга чорловчи, меҳнаткашлик жўшу хуруши билан маъмур бўлди. Социалистик мамлакатга фашистлар ҳужум қилганда унинг шеърлари ўзбек халқини Ватан мудофааси учун қалқон бўлишга чорлади.

Ромеш Сангҳвий Ғафур Ғулом билан учрашганида... у ҳинд халқига ўз муҳаббатини изҳор этди. Бир куни Ғ. Ғулом Сангҳвий билан «Фарҳод ва Ширин» пьесасини кўргани бора туриб, ундан сўрабди:

—Британия ҳукумати неча йил бўлди Ҳиндистондалигига?

— Тахминан юз эллик йил — жавоб берибди Сангҳвий. Буни эшитган Ғафурнинг кўзларидан ёш оқибди.

Шундан сўнг Л. Аҳмад Ғафур Ғулом Сангҳвийни қучоқлаб туриб хайрлашаётганида айтган гапларини келтиради. Ғафур ака Сангҳвийга мурожаат қилиб, «Рабиндранат Тагор қабрига бориб, менинг номимдан таъзим бажо келтиринг. Тагор умр бўйи олиб борган кураши зафар ва комронлик билан якунланади».

Ҳамза ҳақидаги мақоласида Л. Аҳмад Ҳамзанинг биринчи совет адабиёти классиги эканлигини эътироф этади: «Ҳамза инқилобдан аввал ёзувчилик қилган, унинг ақидаси демократия эди, тараққийпарвар ғоялар ҳомийси эди. Чунончи унинг инқилобдан олдин ёзилган асарларида ҳам қолоқ турмушдан шикоят ва расм-русумлардан норозилик ҳар жойда учрайди. Инқилоб рўй бергач, у янги нурга орзуманд ва инқилоб ҳомийси сифатида танилди. У халқи учун тушунарли ва халқчил асарлар ёзган бирламчи ўзбек адибидир».

Ҳамзанинг машҳурлигини Л. Аҳмад Маяковский шуҳрати билан тенг қўяди ва унга «Ўзбек Маяковскийси» номи ҳам насиб бўлганлигини ёзар экан «Ҳамза адабиётининг мақсади, ғояси миллий озодлик ва ижтимоий фаровонликдир. У ўз асарлари билан қўшни халқлар адабиётига янги йўналишлар киргизди, чунки унинг ижоди Осиё мамлакатлари адабиёти учун тамомила янги нарсалар эди... Ҳамза ўз ижоди манбаасини халқ орасидан топди ва неча карра қилиб яна унга қайтарди».

Китобнинг «Тамарахоним —ўзбек куйчиси ва раққосаси» деган мақоласида муаллиф севимли санъаткоримиз ёшлиги ва вояга етган шаҳри Марғилонга тўхталиб, Фарғонани Деҳли ва Лакҳнавга жуда ўринли ўхшатади: «Ўзбекистонда Фарғона вилояти маданияти, ўткир зеҳнлилик ва забондонлик эътиборича асримизнинг бошларига қадар Шимолий Ҳиндда Деҳли ва Лакҳнавдаги даражача бор. Бу армани насллик ўзбек қизи шу маданият бешиги — Фарғона обу ҳавосида вояга етди. Бугун у қиз Тамарахоним номи билан халқаро шуҳрат ва мақбулият моликдир».

Салкам етти бетлик мақоласида муаллиф Тамарахонимнинг ўзбек хотин-қизлари ичида биринчилар қаторида озодликка чиққани, саҳнани гуллатгани, эрк душманлари тазйиқига учрагани, шунга қарамай неча тилларда қўшиқ куйлаб, неча миллат рақсларини нозокат ва нафосат билан ижро этгани, уруш йилларида ўз қўшиқлари ва рақслари билан кўпмиллатли Совет Армияси қўшинларини ғалабага рағбатлантиргани, Москвада «Капалак» ва «Булбул» номини, Эронга қилган сафарида эса «Ситораи Машриқ» («Шарқ юлдузи») деган ном олгани, СССР халқ артисти эканлигини ва жамоат ишларида актив қатнашувини батафсил баён этади.

Китобда Мукаррама Турғунбоеванинг раққосалик маҳоратига, Ҳалима Носированинг булбулдек овозига муаллиф таҳсинлар ўқийди. Л. Аҳмад ўзининг Алишер Навоийга бағишланган бобида Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама ёритишга уринади. Йигирма бетлик бу мақоласида «Ўн бешинчи асрда Ўрта Осиё», «Навоий давридаги жамият», «Навоийнинг болалиги, таълим-тарбияти ва оилавий аҳволи», «Навоийнинг илму фазли ва унинг ҳамагирлиги», «Навоийнинг илмий ва маданий фаолияти», «Навоий шеърияти ва унинг хусусиятлари», Навоийнинг реализми ва тараққийпарварлиги» каби бандларда унинг ўзбек классик адабиётида тутган ўрни батафсил ҳикоя қилинади.

Хуллас, Лазиз Аҳмад совет халқлари адабиётининг тарихи, ҳозирги вақтдаги тараққиётини кенг кўламда ёритувчи мақолалари билан ҳинд адабиёт мухлисларини мамлакатимиз маданий ва адабий ҳаёти билан таништириш ишига катта ҳисса қўшди. Китоб Ҳиндистонда юксак даражада баҳоланди ва унинг муаллифи Совет—Ҳиндистон дўстлигини мустаҳкамлашда фаол қатнашган.

Н. МУҲАМЕДОВ,
филология фанлари кандидати.

Валентин АРХАНГЕЛЬСКИЙ.

ИККИНЧИ ОНА ЮРТ

(Қиссадан парча)



Нагако Кумо ва Япония «Джал» авиакомпаниясининг вице-президенти, СССРдаги бош вакили Сокичи Накаи Москвадаги Горький кўчасида.

«... Илгарилари ҳам, бу йил ҳам қор кўп ёғди. Лекин кўнглим тўқ. Менинг ўғлим дунёнинг меҳр тўла иссиқ бағрида абадий уйқуга кетган. Бу иссиқ бағир сизнинг улуғ халқингизнинг менга бўлган хайрихоҳлик туйғусидир. Шунинг учун ҳам сизнинг Ватанингизни мен ўзимнинг иккинчи она — юртимдек биламан».

Бу сатрлар Япониянинг Киото шаҳрида яшовчи шоира Кумонинг Киевда яшовчи дугонаси Марияга (Киото ва Киев — бирордарлашган шаҳарлар) ёзган хатидан олинган. Унинг ўғли — Япония Ташқи ишлар министрлигининг ходими Кадзуя Кумо Совет Иттифоқига тинчлик миссияси билан келиб, Япониянинг «Джал» авиакомпаниясига қарашли самолёт кўтарилаётганда портлаш вақтида ҳалок бўлган.

Ўғли ҳалок бўлгандан кейин Нагако Кумо мамлакатимизда энг оммавий, обрўли «Япония—СССР» дўстлиги жамиятига аъзо бўлди, рус тилини қунт билан ўрганди. Шоира ҳозирги вақтда Совет—Япония ҳамкорлигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг ўғли хотирасига атаб ёзган шеърига москвалик композитор Георгий Буз ўғли музика ёзиб, шоирага тақдим этди. Қўшни икки мамлакат бўлмиш СССР ва Япония муносабатлари тарихига янги ёрқин саҳифа ёзилди — икки халқнинг биргаликдаги янги музика асари яратилди. «Япония—СССР» жамияти шу музика ёзилган пластинка чиқарди ва у мамлакат бўйлаб бир зумда тарқалди.

Ҳамюртимиз, бир пайтлар «Правда Востока» газетасининг редактори бўлиб ишлаган, айни пайтда эса Москвада яшаб, ижод қилаётган таниқли журналист-публицист Валентин Архангельский шу воқеалар асосида қисса ёзди. Қуйида ана шу қиссадан парча ўқийсиз.

КУМО—САН

Машаққатсиз роҳат бўлмас.
БЕТХОВЕН.

— Салом, товарищ! — ҳаяжон билан деди Кадзуя остонадан кириш биланоқ онасини бағрига олиб.

— Нима дединг? Айтганингдан ҳеч нарса тушунмадим.

— Мен, онажон, сиз билан русчасига саломлашдим. Сизни «жаноб» ёки «мадам», деб ўтирмай «товарищ» дедим. Россияда революция давридан бошлаб одамлар бир-бирларига шундай мурожаат қиладилар. Ойи, рус тилини ўрганмайсизми?

— Нимага?

— Нимага бўларди? Дўстлик жамиятига аъзо бўлардик. У ерда ҳар хил концертлар, учрашувлар бўларди. Курслар ишларди. Москвани кўриб келардик.

— Қани энди Москвага борсак. Отанг билан бир маслаҳатлашиб кўрай. Лекин сени табриклайман. Яна бир чет тилини ўрганибсан.

— Бошқа бир мамлакатга қисқа муддатга бўлса ҳам бориб, ўша халқнинг тилида икки оғиз сўзни айта билмаслик кишига ярашмайди. Рус тилини мен Германияда эканлигимдаёқ ўргана бошлаган эдим. Жуда ажойиб тил. Лекин мураккаб. Баъзи товушлар бизда бутунлай йўқ. Японлар «радно», «Ренин», «рюбов», дейишади. Асли эса «ладно», («хўп»), «Ленин», «любовь» («севги») дегани.

— Ҳақиқатан ҳам, Ленин деб бемалол талаффуз қилса бўлади-ку.

— Яшанг онажон! Ҳақиқатан ҳам зўр. Бўпти, қайтиб келганимдан кейин албатта сиз билан шуғулланаман. Москвада кўп дарсликлар, луғатлар оламан. Лекин ҳозирча сизга бир топшириқ берай: мен қайтиб келгунча Гагарин ҳақидаги шеърни ёдлаб қўйинг.

— Бу яна қанақа шеър? Ёдлай олармиканман?

— Онажон, сизнинг қўлингиздан ҳамма нарса келади. Бу шеърни прогрессив шоир Сатоси Кадоқура космонавтнинг Японияга келишига атаб ёзган. «Акахата» газетасида эълон қилинган.

Она-бола ўртасида шу тариқа меҳр тўла суҳбат бўлди. Лекин она: ўғлим 29 ёшга кирган бўлса ҳам уйланишни хаёлига ҳам келтирмайди, деб кўнглидан ўтказди. Баобрў ва бамаъни оилалардан келин излаб кўришни орзу қилди. Набиралар кўришни қўмсади.

— Кўп шошманглар, онажон, отамга ҳам айтиб қўйинг, ҳазиллашди ўғил. — Министр бўлай ўшанда уйланаман.

— Болалигингда император бўлмоқчи эдинг. Шаҳзодалар оддий кулол ва муаллиманинг боласига ўз ўринларини осонликча бўшатиб бермасликларини тушунишни ҳам хоҳламасдинг. Унда-ку ёш эдинг, энди эсинг кириб қолди, Барибир ўша ҳазилларингни қўймайсан.

— Яхши, онажон. Россияга борай, сизга яхши келин олиб келаман. Татьяна деганидан. Рус қизига уйланишимга оқ фотиҳа беринг.

— Агар бир-бирларингни севсаларинг, мен нима ҳам дер эдим.

— Бўпти, келишдик. — Хурсанд бўлиб гапни шу ерда тўхтатди ўғил.

Кадзуя нима учун бу номни тилга олди? Татьяна, бу — Пушкин. Бутун дунё севиб ўқийдиган тенгсиз шоир, ёзувчи. Унинг асарлари жаҳон классиклари асарлари ичидан фахрли ўрин олган. Унинг ёнида Толстой, Достоевский, Горький, Чехов асарлари... Кадзуя айниқса Чехов асарларини севиб ўқирди. Мактабда «Олчазор» асарини қўйишган. Бир гал жуда қизиқ воқеа юз берди. «Артистка» келмай қолиб, ҳамма хуноб бўлди.

Бир кун мен ошхонада таом тайёрлаётган эдим. Шошилиб Кадзуя келиб қолди.

— Онажон ёрдамингиз керак бўлиб қолди! Мана бу пьесани ўқиб кўринг...

— Эй болам, бунинг иложи йўқ. Мен бу текстдан мутлақо бехабарман.

— Ҳечкиси йўқ ҳаммаси қўлингиздан келади. Мана бу жойларини ўқиб кўринг.

Нима ҳам қилардим. Фартукни ечиб, Раневскаяга айландим. Ҳозир мен Чехов пьесасини жуда яхши биламан. Бу пьесани МХАТда кўрганман. Кадзуя рус қўшиқларини яхши кўрарди. Ҳа, айтганча, Японияда рус қўшиқларини ким яхши кўрмайди? Министрлардан тортиб, балиқчиларгача ҳамма жон деб эшитади, куйлайди. Японияда ҳатто губернаторлар ва шаҳар бошлиқлари, парламент депутатлари ва барменлар, ёзувчилар ва такси ҳайдовчилар, журналистлар, қўйингки, турли касб эгаларининг ҳаммаси «Катюша», «Москва оқшомлари», Степан Разин тўғрисидаги «Любушка» қўшиқларини севиб куйлайдилар. Уларнинг сўзлари ва оҳангини яхши ўзлаштирганлар.

— Кадзуя, сени нега Россияга юборишяпти? Ахир бу мамлакат сенинг хизмат доирангга кирмайди-ку.

— Бевосита кирмайди, лекин Россия, онажон буюк миллат. У бўлмаса дунё бўм-бўшга ўхшайди.

— Россия Японияга керакми?

— Жуда керак-да Россиянинг табиати, ҳатто, биз ўйлагандан кўра ҳам мафтункор, саховатли. Сибирь ўрмонлари, газ, нефть, тошкўмир шундоқ ёнгинамизда бўлса-ю, биз уларни аллақаердан — Яқин Шарқдан, Австралиядан, Канададан, Лотин Америкасидан овора бўлиб олиб келсак. Уч баравар ортиқ ҳақ тўлаймиз.

— Бу томонларини жуда пухта ўйлаб қўйибсан-ку.

— Советлар билан муносабат мени кўпдан бери тўлқинлантириб келади. Бир кун фикрларимни бошлиқларга айтган эдим. Россия, расмий пропаганда халққа зўрлаб тушунтираётгандек, бизга агрессор эмас, балки тарих ва география бизга инъом этган азалий қўшни, иттифоқчи ва ўзаро иқтисодий муносабатларда яхши шерик, дедим.

— Бошлиқлар гапингни эшитишдими?

— Эшитишди. Лекин, Кумо Кадзу ўз ишинг билан шуғулланганинг маъқул, қабилида жавоб қилишди. Мен Россия билан муносабат — бу худди менинг ишим, барча японларнинг иши, дедим. Лекин бу сиёсатни ҳар ким ҳам ўтказавермайди, бунинг учун керакли одамлар бор. Ана шунақа, ойижон. Бор гап шу. Бизнинг ақлимиз советларга қарши ғаразгўйлик билан тўлган, кўзимиз юмуқ, қулоғимиз берк. Ҳеч нарсани кўришни ва эшитишни хоҳламаймиз. «Шимолий территория» дардига мубтало бўлгандик.

— Тушундим сени. Лекин нима учун сени юборишаётганини айтмадинг. Бориш ниятинг ҳам йўқ эди-ку.

— Хонаси келиб қолди, онажон. Бу иш билан шуғулланувчи ходимимиз касал бўлиб қолди. Ўрнига мен борай, деб илтимос қилдим. Тезда ишга киришишга тўғри келди.

— Агар сир бўлмаса, сафардан мақсад нима?

— Илмий ҳамкорлик тўғрисида музокаралар олиб бориш, Ҳа, сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди. Собиқ профессорларим сизга салом дейишди.

— Қаерда учрашдиларинг?

— Университет ректори Хаяси-сан телефон қилиб бир келиб-кетмайсанми, деди. Жуда яхши кутиб олди. Бирга овқатландик. Бошқалар ҳам келиб, сизни сўрашди. Шеърларингизни роса мақташди.

— Улар билан кўришсанг мендан салом айт. Лекин улар шеърларимни қаердан эшитишибди. Мен ҳеч эълон қилмайман-ку.

— Билишади, онажон. Кўпдан билишади. Мен ўқиб юрган кезларимдаёқ шеърларингизни уларга кўрсатган эдим.

— Онангдан яширинча шундай ишлар қиларкансан-да.

— Гуноҳимни бўйнимга оламан... Лекин шеърий тўпламни олдинроқ нашр эттириш керак эди.

— Нима кераги бор? Сэй Сэнагон билан малика Нукада шуҳратлари мени қизиқтирмайди. Шунчаки ўзим учун ёзаман.. Отанг икковингиз хурсанд бўлсангиз, бас.

— Шундай бўлса ҳам чоп эттирганингиз маъқул, — бўш келмасди Кадзуя, — китоб чиқса зарар қилмайди. Менинг ҳамкасбларим ҳам онанг шоира бўлса, лекин ҳеч нарса ўқимаяпмиз-ку дейишяпти.

— Бунинг иложи осон. Уларнинг номини менга айт, биттадан танг юборай,

— Айтганингиздан қолмайсиз-да, онажон. Майли, бошқа гапга ўтайлик. Қайтганимдан кейин гаплашармиз. Хаяст-сан Москвада университетга кириб, ректор жаноб Петровский билан учрашишимизни илтимос қилди. Совға учун лингафон кабинетига ҳар хил жиҳозлар топширар эканман. Кўриб турибсизки, менинг сафарим шунақа масъулиятли.

— Хурсандман, сендан. Ясная Полянага ҳам ўтасанми?

— Иложи бўлмас. Москвадан узоқ, бошқа жойда. Вақт эса жуда тиғиз. Бошқа сафар албатта бораман. Бу гал Москвани айланмоқчиман. Пушкин музейи, Третьяков галереяси, Большой театрда бўламан. Кўрадиган нарсалар кўп. Қизил майдонга ҳам ўтаман. У ерда Ленин мовзалейи бор. Бошқа атоқли кишилар ҳам шу ерда дафн этилган. Улар орасида бир япон ҳам бор.

— Москванинг қоқ ўртасида япон нима қилади? Ишонгиси келмайди киши!

— Ҳа, онажон. Худди шундоқ.

— Бундай шарафга лойиқ одам ким экан?

— Сэн Катаяма. Революционер. Япония коммунистик партиясига асос солганлардан бири.

Бугун—Ўрмон хўжалиги ходимлари куни

ЯШИЛЛИК ВА ТЎКИНЛИК МАСКАНИ

КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш, республикамизни яшиллик, гўзаллик ва тўкинлик масканига айлантириш учун курашаётган Ўзбекистон ўрмон хўжалиги ходимлари ўз байрамларини бирмунча ижобий ютуқларга эришган ҳолда кутиб олмоқдалар. Беш йиллик бошидан бери улар 104,7 минг гектар ўрмонзор барпо этишди. Чўл зоналарида 44,4 минг гектар ерга яйловни асрайдиган ўсимликлар экилди. Колхоз ва совхозларда шартнома бўйича пландаги 5200 гектар ўрнига 5394 гектар ерда боғлар бунёд этилди.

Шу давр мобайнида 184 миллион туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари тайёрланди. Ўрмон хўжаликлари 97 минг тонна мева, 790 тонна гўшт, 523 тонна асал, 690 тонна дори-дармон хом ашёлари, 455 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари ва турли хил зираворлар реализация қилишди. Ўтган саккиз ойдаги муваффақиятлар салмоғи ҳам ёмон эмас.

Кўриниб турибдики, тармоқда ижобий ўзгаришлар бўляпти. Аммо бунга ҳозирги қайта қуриш, жадаллаштириш даври талаблари нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, яна жадал ҳаракатни таъминлаш йўлида ҳали анчагина иш қилиш лозимлиги аён бўлади. Бунинг учун қатор резерв ва имкониятларни ишга солиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга тўғри келади.

Ўрмонзорларни асраш ва сақлаш — ўрмон хўжалиги ходимларининг энг асосий вазифаларидан бири. Бироқ, ўрмонзорларни асраш бўйича планда белгиланган тадбирлар бажарилаётган бўлса-да, амалда ёнғин бўлиши, дарахтларни ўзбошимчалик билан кесиш, молларни дарахтзорларда боқиш ҳолларига барҳам берилган эмас. Ўрмон назоратчилари сони 1700 нафар, шу жумладан 800 нафардан зиёд ўрмончи бўлишига қарамай ўтган ярим йил мобайнида турли хил қоида бузишлар оқибатида 25 минг сўм зарар кўрилди. Китоб, Элликқалъа ўрмон хўжаликларидаги дарахтзорларда жиддий ёнғинлар содир бўлди.

Ўрмон ўсимликлари касаллиги ва зараркунандаларига қарши самарали кураш ташкил этилмаган. Республика ўрмонларида айниқса, арча, саксовул, ёнғоқ, хандон писта дарахтлари касаллик ва зараркунандалар билан кўпроқ зарарланган. Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Бухоро областларининг ўрмон хўжаликларида уларга қарши кураш чоралари ўз вақтида қўлланилмаяпти, препаратлар сарфлаш нормаси бузилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини пасайтириб юбориши табиий.

Ўрмон — Совет халқининг бебаҳо бойлиги. Йил сайин унинг экологик, иқтисодий ва социал аҳамияти ортиб бормоқда. Шунинг учун тармоқ ходимларининг асосий вазифаси — ўрмонларни сақлаш ва кўпайтиришдан иборат. Амалий ҳаракатларимизнинг ҳаммаси мана шу муҳим ишга йўналтирилмоғи лозим.

Бироқ биз мана шу байрам кунларида ҳам айрим ўрмон хўжаликларининг яшил бойлигимизни кўпайтириш ва асраш бўйича ишлари қониқарсизлигини таъкидлашга ҳақлимиз. Ўрмонзорларни кўпайтириш суръати Қорақалпоғистон АССР, Деҳқонобод, Қамаши, Хоразм, Термиз, Қарши ўрмон хўжаликларида ҳамон пастлигича қолмоқда. Бу ерларда мунтазам равишда ниҳоллар ва дарахтларнинг нобуд бўлишига йўл қўйиляпти. Зомин, Бойсун, Бахмал, Қамаши, Узун ва бошқа тоғолди ўрмон хўжаликлари арчазорлар яратишга етарли эътибор беришмаяпти.

Мавжуд майдонлардан кўчат олиш ҳажми планда белгиланганидан ҳали анча паст. Уни пландаги даражага чиқариш билангина кўчат етиштириладиган ерларни 30—35 процент қисқартириш ва жойларда бошқа экинлар экиш мумкин бўларди. Бундан ташқари пайвандланган ниҳолларнинг кўкармай нобуд бўлишидан миллионлаб сўм йўқотяпмиз.

Агротехникани яхшилаш, экишни мақбул муддатларда ўтказиш, фақат сифатли уруғлик экиш, зарур кўчат турларини етиштириш, ниҳол тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш ва пайвандлаш сифатини ошириш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифалардир.

Тупроқ эрозиясига қарши самарали кураш олиб бориш, пахта, дон ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишда иҳота ўрмонзорлари катта аҳамият касб этади. Ҳозиргача республика ўрмон хўжалиги ходимлари томонидан колхоз ва совхозларнинг ерларида 36 минг гектар иҳотазорлар ташкил қилинган. Улар қишлоқ хўжалиги экинзорларини шамол эрозиясидан, гармселдан асраб, ўсимликларнинг баравж ўсиши ва мўл ҳосил беришини таъминлайди.

Ҳозир республикамиздаги 3,5 миллион гектар суғориладиган ерларнинг атиги 1,2 миллион гектари шамол эрозиясидан ҳимоя қилинган. Эрозияга қарши кураш тадбирларига мувофиқ яна 112 минг гектар иҳотазорлар ташкил қилиниши керак. Бу иш билан Андижон, Қарши, Фарғона, Қўқон ҳамда бошқа ўрмон хўжаликлари ва Шеробод ўрмон-мелиорация станцияси шуғулланади. Улар ўрмон иҳотазорлари барпо этиш планларини муддатидан илгари бажаришди.

Мамлакат Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли адо этилишида ўрмончиларнинг ҳам ўз ўрни бор. Тармоқ хўжаликларида турли хил қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари — дон, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт, сут, қимиз, ўрмон неъматлари ва дори-дармон хом ашёлари етиштириш йил сайин кўпайиб боряпти. Қатор илғор хўжаликларнинг коллективлари янги боғлардаги кўчат қатор ораларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига дала маҳсулотлари ҳажмини оширишга муваффақ бўлишяпти. Қўқон ўрмон хўжалигида шу йўл билан йилига 1 минг тоннадан зиёд қовун-тарвуз етиштирилаётир. Улар ҳозиргача савдо тармоқларига 500 тонна қовун-тарвуз жўнатдилар. 100 тонна маҳсулот РСФСРнинг шимолий районлари аҳолисига етказиб берилди. Қардош республика меҳнаткашлари Шофиркон, Наманган, Қўқон, Андижон, Самарқанд, Каттақўрғон ўрмон хўжалиги ходимларидан анчагина мева қабул қилиб олишди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, бу йил хўжаликларимиз 200 тонна хандон писта олдилар. Шунинг 140 тоннасини Советобод ўрмон хўжалиги, 600 тоннасини Боботоғ ўрмон хўжалиги ходимлари тайёрлашди.

Ўрмончилар асаларичилик билан ҳам тобора кенгроқ шуғулланмоқдалар. Ҳозир хўжаликларимизнинг 70 процентдан зиёдроғи шифобахш асал етиштириш билан машғул. Улар шу беш йиллик мобайнида 1600 тонна асал тайёрлашлари керак. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 200 тоннадан зиёд асал тайёрланди. Бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 тонна кўп. Шофиркон ўрмон хўжалиги, Қашқадарё, Самарқанд ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаларининг асаларичилари бу эришилган ютуққа баракали улуш қўшдилар.

Шу билан бирга бу йилги қулай об-ҳаво шароитларига қарамай, қатор ўрмон хўжаликларида асал олиш ва уни давлатга топширишда сусткашлик рўй берди. Асалари оилаларини боқиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу сабабли Жиззах, Тошкент ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмалари, Фарғона, Қорақалпоғистон АССР, Қўқон, Хоразм ўрмон хўжаликларида асал топшириш ўтган йилги даражадан орқада.

Ўсимлик ва ҳайвонот оламини асрашда қўриқхоналар ишини оқилона ташкил этиш катта аҳамият касб этади. Ҳозир министрлигимиз системасида 7 та қўриқхона ва жайронларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган питомник фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг умумий ер майдони 177,1 минг гектарни ташкил этади. Кўпчилиги асосан 1970 йилдан кейин ташкил этилган. Шунга қарамай иш яхши уюштирилганлиги туфайли қисқа вақт ичида бирмунча ишлар қилинди. Масалан, барча тўқай қўриқхоналарида қатор йиллардан бери тустовуқлар сони бир маромда сақланмоқда. Пайғамбар ороли ва Қизилқум қўриқхоналарида эса Бухоро кийиги 250—260 бошга етди. Ҳамма қўриқхоналарда ёввойи чўчқалар сони 1400 — 1600 бошни, тоғли қўриқхоналарда kakликлар сони 45—50 минг бошни ташкил этмоқда.

Тармоқда меҳнатни янгича ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштиришга кейинги вақтда катта эътибор беряпмиз. Қўқон ўрмон хўжалиги меҳнатга ҳақ тўлашнинг янгича системасига ўтиб ишламоқда. Наманган, Оҳангарон, Бурчмулла, Чирчиқ, Тошкент, Фарғона ўрмон хўжаликларида янги системага ўтишга тайёргарлик кўриляпти. Ўрмончиликда бригада ва оила пудратига катта эътибор берилмоқда. Бу йил 1200 киши пудрат асосида ишлаётир. Хўжаликларимизда оила пудрати ҳам кенг жорий этилаётир. Агар 1987 йилда 248 оила билан шартнома тузилган бўлса, бу йил оилавий пудратчилар сони 502 тага етди. Бу иш Узун, Китоб, Оҳангарон, Наманган, Қўқон ўрмон хўжаликларида, айниқса, фаол олиб боріляпти.

Биз ўрмончилар зиммаси табиатни асраш, унинг бойликларини кўпайтириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдек масъулиятли вазифа юкланган. Бу — ҳар бир ходимдан ўз ишига садоқат, ташаббускорлик, омилкорлик ва юксак малакани талаб қилади.

Кейинги пайтда қатор ўрмон хўжаликларида зонал кенгашлар ўтказдик. Кенгашларда ўрмончилар, уларнинг ёрдамчилари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари билан қизғин суҳбатлар, мунозаралар, тажриба алмашишлар бўлди. Тармоқни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар, уларни ҳал этиш резервлари аниқлаб олинди.

Республика ўрмон хўжалиги ходимлари ўз профессионал байрамини иш якунларини чуқур таҳлил этиш, камчилик ва нуқсонларни рўй-рост очиб ташлаш, уларни бартараф этиш, янги марраларни эгаллаш йўлларини излаш билан кутиб олмоқдалар.

Н. ЯҲЕЕВ,
Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министри ўринбосари.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА :ТВ

19 сентябрь, душанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Фильм-концерт. 9.25 — Янгиликлар. 9.35 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 11.35 — Дунё бўйлаб. 12.40 — Янгиликлар. 12.55 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.50 — Янгиликлар. 16.05 — XXI асрга экспедиция. 17.05 — «Етти қария ва бир қиз». Бадиий фильм. 18.25 — Шеърият лаҳзалари. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.30 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — Итальян тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Биология. 11.55 — Илмий-оммабоп фильмлар. 12.55 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.00 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 13.50 — Янгиликлар. 14.00 — Мусиқали киоск. 14.30 — «Ҳарбий-дала қиссаси». Бадиий фильм. 16.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 17.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 18.30 — Янгиликлар. 18.35 — Исландия университети хорининг концерти. 18.55 — И. Л. Андронников иштирокида фильм. 20.00 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.15 — Халқаро панорама. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Жонли планета. 22.40 — Тонгги почта. 23.10 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.30 — «Олатоуннинг кумуш шохи». Бадиий фильм. 16.45 — География. 17.15 — Телефильм. 17.30 — Қизиқувчилар экрани. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Мультфильм. 18.20 — Шоирлар — болаларга. 18.45 — Бошланғич партия ташкилоти: тажриба ва муаммолар. 19.15 — Усмон Носир туғилган куннинг 75 йиллигига. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Долзарб интервью. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Маорифимиз муаммолари. 22.25 — Созандалар ҳақида ҳикоялар.

УзТВ-II. 19.05 — Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш олдидан. 19.35 — «Тош осмони остида». Бадиий фильм. **Фрунзе.** 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Душанба куни, ишдан сўнг. 22.15 — Азем. 23.15 — «Бозор майдонидаги от ўйин». Бадиий фильм.

20 сентябрь, сешанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 9.35 — Ҳужжатли фильмлар. 9.55 — Янгиликлар. 11.55 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.30 — Янгиликлар. 15.40 — «Экран» ижодий уюшмаси намойиш этади. 16.30 — Татар халқ куйлари. 16.55 — Иқтисодий билимлар асослари. 17.25 — Катталар учун мультфильмлар. 17.50 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Дунё воқеалари. 19.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 00. 45 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05 — Француз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — География. 12.05 — Француз тили. 13.05 — «Қайтадан бошла». Бадиий фильм. 14.15 — Ҳужжатли фильмлар. 14.55 ва 18.10 — Янгиликлар. 18.20 — Ритмик гимнастика. 18.50 — Дин Рид ҳаётда ва қўшиқда. 20.00 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.15 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Бўри уяси». Бадиий фильм. 1-серия. 23.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.30 — «Дарё ортида, олис қишлоқда». Бадиий фильм. 16.45 — Физика. 17.15 — Телефильм. 17.30 — Эстетика асослари. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Давлат ман фаати. 18.55 — Мультфильм. 19.05 — Теленовеллалар театри. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Ерга қайтиш. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — Хирмонингизга барака! 22.10 — «Йўлдаги курашлар». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 — Ёшлик. 19.35 — Телефильм. 19.45 — Арманистон эстрадаси артистлари иштирокида концерт. 20.25 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. **Фрунзе.** 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 22.00 — «Ҳосил-88». 22.10 — «Тўлов». Бадиий фильм.

21 сентябрь, чоршанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Мультфильмлар. 9.25 — Инсон институти. 10.30 — Янгиликлар. 10.40 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 12.00 — Сен ҳақингда ва ўзим ҳақимда. 12.45 — Янгиликлар. 12.55 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Концерт. 16.15 — Тожикистон телевидениесининг программаси. 17.05 — Қувноқ камалак. 17.35 — Фантазёрлар. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Сиз яратган боғ. 18.45 — Дунё воқеалари. 19.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 01.20 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Физика. 12.05 — Немис тили. 13.05 — «Бўри уяси». Бадиий фильм. 2-серия. 14.25 — Янгиликлар. 14.35 — Ҳужжатли фильмлар. 17.20 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 20.00 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.15 — Кимнинг навбати? 10.45 — Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Бўри уяси». Бадиий фильм. 2-серия. 22.50 — Янгиликлар.

УзТВ-I 15.30 — Фильм-концерт. 15.55 — «Олтинлар». Бадиий фильм. 17.30 — Рус адабиёти. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Мультфильм. 18.20 — Ёшлик. 18.45 — Ёзувчи ва замон. 19.30 — Социалистик қонунчилик ва демократия. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Долзарб интервью. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Концерт. 22.35 — «Йўлдаги курашлар». Бадиий фильм. 2-серия.

УзТВ-II. 19.00 — «Бир тун хроникаси». Бадиий фильм. 20.20 — Фан уфқлари. **Фрунзе.** 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Шибеге. 22.05 — «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.

22 сентябрь, пайшанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 10.05 — Мультфильм. 10.15 — «Артемканинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 11.35 ва 12.45 — Янгиликлар. 13.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 16.25 — Музикали хазина. 17.25 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.10 — Инсон ва қонун. 18.45 — Дунё воқеалари. 19.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.30 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Испан тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Биология. 12.00 — Испан тили. 12.55 — «Бўри уяси». Бадиий фильм. 2-серия. 14.00 — Янгиликлар. 14.10 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Янгиликлар. 16.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 19.00 — Қишлоқ янгиликлари. 20.00 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.15 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.45 — Халқ куйлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Чет эл фильмлари экрани. 23.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.30 — «Браслет-2». Бадиий фильм. 16.40 — «Кичкинтой Мук». Спектакль. 17.50 — Янгиликлар. 18.00 — Йирик планда — инсон. 18.45 — ВЛКСМ 70 йиллигига. 19.30 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Садо». Фильм-концерт. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — Хирмонингизга барака. 22.10 — «Орол балиқчилари». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 — «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм. 20.15 — Реклама. 20.25 — Тошкент —Сиэтл. Бирадарлашган шаҳарлар. **Душанба.** 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — Жамиятда инсон. 23.00 — Кино оламида.

23 сентябрь, жума

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 10.55 ва 11.45 — Янгиликлар. 12.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 16.30 — Новаторлар ва консерваторлар. 17.15 — Халқ ижодиёти. 17.45 — Язеп Витолс ва унинг ворислари. 18.15 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 18.50 — Дунё воқеалари. 19.05 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 19.30 — Георгий Товстоногов. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.35 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Адабиёт. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Инглиз тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Тарих. 12.05 — Инглиз тили. 13.05 — «Ўн тўрт кишилик стол». Бадиий фильм. 14.25 — Янгиликлар. 14.35 — Ҳужжатли фильм. 16.30 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 19.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 — Қишки вақтга ўтиш. 19.55 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Севганингдан айрилма». Бадиий фильм. 23.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.30 — Фильм-концерт. 16.20 — «Ноктюрн». Бадиий фильм. 17.60 — Телефильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Янги музикали нашрлар. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Футбол. «Пахтакор» — «Колос». 20.45 — Далзарб интервью. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Илмий-оммабоп программа. 22.35 — Оламга саёҳат. 23.35 — Ҳужжатли фильм.

УзТВ-II. 19.05 — «Болажон қиз». Бадиий фильм. 20.25 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. **Душанба.** 21.00 — Время. 21.35 Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Материалларимиз изидан. 22.15 — «Адашган». Спектакль.

24 сентябрь, шанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 10.00 — Пропагандистлар куни. 10.30 — Ҳайвонот оламида. 11.30 — 1988 йил қўшиқлари. 11.45 — Халқаро панорама. 12.45 — Қишки вақтга ўтиш. 12.55 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 16.30 — «Севишганлар». Бадиий фильм. 17.55 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.45 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.50 — Фильм-концерт. 9.15 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.55 — Рига камер хори куйлайди. 10.25 — Ҳужжатли фильм. 10.45 — Икки фортепьяно учун композиция. 11.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 13.30 — «Урушнинг тўртинчи йили борарди». Бадиий фильм. 14.50 — Мультфильм. 15.00 — «Хилватдаги турмушдан саҳналар». 17.20 — Телевизион музикали абонемент. 18.20 — «Оқ либосдаги аёл». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Тарсак». Бадиий фильм. 23.15 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.30 — Даволаш физкультураси. 10.40 — Ёшлик. 11.10 — Оналар мактаби. 11.40 — Ҳужжатли экран. 12.40 — Китоб дўстлари. 13.15 — Мактаб ислоҳоти—ҳаётга! 13.50 — Замандас. 14.50 — Касаба союз ҳаёти. 17.40 — Тенгдошлар. 18.25 — Эстрада калейдоскопи. 19.30 — Бугун — пропагандистлар куни. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Комсомол прожектори. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Катталар учун мультфильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида. 22.35 — Пахтакорлар учун кечки музикали программа.

УзТВ-II. Душанба. 18.00 — Болалар учун концерт. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 19.00 — Новости. 19.20 — Спектр. 20.00 — Ахбор. 20.20 — «Насиҳат». Теленовелла. 21.00 — Негатив. 22.35 — «Агар мен севиб қолсам...» Бадиий фильм.

25 сентябрь, якшанба

МТ-I. 8.00 — Янгиликлар. 8.15 — Спортлото. 9.25 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 9.55 — Будильник. 10.25 — Тонгги почта. 10.55 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.55 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 16.00 — Қишлоқ янгиликлари. 16.50 — «Гўзал Василиса». Бадиий фильм. 18.00 — Халқаро панорама. 18.45 — Ҳужжатли фильмлар. 19.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 23.35 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.50 — Концерт. 9.25 — Ҳужжтли фильм. 9.55 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 12.20 — Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. 14.10 — Мультфильмлар. 14.40 — «КВН». 16.30 — Поэзия. 17.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Катталар учун мультфильм. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.15 — 1988 йил қўшиқлари. 20.30 — «Дераза». Бадиий фильм. 21.00 — Время. 21.35 — «Дрезден-88». 00.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Оила даврасида. 10.30 — Биргаликда куйлаймиз. 10.50 —Театр ва замон. 11.35 — Светофор. 12.30 — Шахмат мактаби. 13.00 — Дўстлик экрани. 14.00 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 14.50 — «Ҳамза». Спектакль. 16.45 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 17.15 — Реклама. 17.35 — Мультипанорама. 18.20 — Ҳужжатли фильм. 18.40 — Иқбол. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Мультфильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Наштар сатирик киножурнал. 21.00 — Время. 21.35 — Мусиқа жавони. 22.15 — «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.

УзТВ-II. Фрунзе. 16.05 — Мультфильм. 16.25 — Реклама. 16.40 — Новинки. 18.00 — Халқаро панорама. 18.45 — Эстрада концерти. 19.10 — Икки тиллилик ва унинг муаммолари. 19.45 — И. Туманова туғилган куннинг 100 йиллигига. 20.15 — Ипподром таклиф этади. 21.00 — Время. 21.35 — «Бузилган уя». Спектакль. 22.35 — «Кавказ асираси ёки Шурикнинг янги саргузаштлари». Кинокомедия.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОЛИМПИАДА БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАМОҚДА

Мухлислар орзиқиб кутган дамлар бошланди. Ниҳоят Олимпиадага тайёргарлик тўрт йиллигини муваффақиятли якунлашга жазм этган моҳир спортчилар ўзларини кўрсатадиган бўлишди. Маълумки, йирик спорт анжуманининг тантанали очилиш маросими ҳамиша қизиқарли ва унутилмас таассуротларга бой бўлади. Жанубий Корея пойтахтида бошланган XXIV Олимпиаданинг очилишига бағишланган спорт байрамини телевидениенинг хосияти туфайли жаҳоннинг 4 миллиарддан ортиқ кишиси томоша қилишга муваффақ бўлди.

Юз минг томошабинга мўлжалланган Олимпиада стадионини тўлдириб ўтирган мухлислар эса ранг-баранг манзараларнинг шоҳиди бўлдилар. Очилиш маросими бу сафар ўзига хос кириш қисми билан боғланди. Олимпиада шаҳрига кумуш камар бўлиб турган Хан дарёсида беш юзга яқин катта-кичик қайиқлар пайдо бўлди. Уларда мусобақа қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг байроқлари ҳилпиради. Аждар-қайиқнинг пайдо бўлиши ҳам ўзига хосдир. Боиси афсоналарга қараганда бундай махлуқ Шарқда яхшилик ва хайрихоҳлик рамзи ҳисобланади. Шунингдек, йўлбарс ҳам энг мулойим жонворлардан саналади. Олимпиаданинг рамзи қилиб Ходори — йўлбарсча танланиши ҳам асли шундан. Йўлбарсча бугунги кунда навбатдаги Олимпиада рамзи сифатида жаҳон кезмоқда.

Ниҳоят улкан ноғоранинг гумбурлаши садолари таралади. Спорт байрамининг «Қуёшни қутлаш» қисми рақсларга ва турли театрлаштирилган манзараларга бойлиги билан диққатни тортди. Кейин 88 нафар фанфарачи «Олимпиадани шарафлаш» оҳангларини ижро этадилар. Майдонда эса «Хуш келибсиз», Олимпиаданинг эмблемаси каби жонли шакиллар юзага келади. Сўнг спорт делгацияларининг паради бошланади. Совет делегациясини бошқариб бораётган новосибирсклик Европа чемпиони, моҳир курашчи Александр Карелин қўлида ўроқ болғали ол байроғимиз ҳулпирайди.

Совет спортчиларини пешқадам командалардан бўлиши кутилмоқда. Агар вакилларимиз 50 га яқин олтин медални қўлга киритишса, команда ҳисобида биринчиликни олишлари мумкин. Терма командамиз 504 спортчидан иборат. Уларнинг ёши улуғи 46 баҳорни кўрган тошкентлик чавандоз Анатолий Танков бўлса, энг кичиги — 14 ёшли сувга сакровчи, москвалик Европа чемпиони Лена Мирошинадир. Совет олимпиадачилари бундай йирик спорт анжуманлари тарихида жами 878 медалга (шундан 340 таси олтин) эга бўлишган.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Олимпиада ташкилот комитетининг раиси Пак Се Чжик халқаро Олимпиада комитети президенти раиси Хуан Антонио Самаранч спортнинг халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ҳамда тинчликни мустаҳкамлашдаги хизмати ҳақида гапирдилар. Жанубий Корея президенти Ро Дэ У Олимпиадани очиқ деб эълон қилади. Оркестр садолари остида жаҳоннинг таниқли спортчиларидан 8 нафари Олимпиада байроғини стадионга олиб кирадилар. Ниҳоят Грецияда ўт олдириб, самолётда Жанубий Кореяга етказиб келинган ва 21 кун мобайнида эстафета тариқасида Сеулга йўл олган маёқолов ёрдамида Олимпиада машъаласи аланга олдирилади. Бумашъала қарийб икки ҳафта мобайнида қизғин ва муросасиз баҳслар тимсолида ловиллаб туради. Олимпиаданинг илк чемпионлари эса бугун маълум бўлади.

Ҳ. НОСИРОВ.

Редактор **Л. ҚАЮМОВ.**

● Тингланг, томоша қилинг

18 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 9.45 — Ритмик гимнастика. 9.30 — Мультфильм. 9.45 — «Спортлото». 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — «Тонгги почта. 12.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 14.00 — «Музикали киоск». 14.30 — Қишлоқ янгиликлари. 15.30 — «Здоровье». 16.15 — «Нева» журнали редколлегияси билан учрашув. 17.30 — Шеърият лаҳзалари. 17.35 — «Жонли планета». Ҳужжатли фильм. 10-серия. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильмлар. 20.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.15 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.45 — «Юлдузча». 9.35 — «Сиз яратган боғ». 10.05 — Портретлар. 11.10 — Дунё бўйлаб 11.25 — Фалсафий суҳбатлар. 12.10 — Ажойиб кишилар ҳаёти. 12.45 — Илмий-оммабоп фильм. 14.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 17.30 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 17.50 — «Ваня тоға». Фильм-спектакль. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Телефильм 21.00 — Время. 21.35 — «Қайтадан бошла». Бадиий фильм. 22.45 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум. 10.00 — «Оила даврасида». 10.45 — Биргаликда куйлаймиз. 11.05 — Сиз севган қаҳрамонлар. 12.05 — Техника ижодиёти мактаби. 12.40 — Болалар учун телетеатр. 13.20 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 14.00 — «Халқ севган бахши». 15.00 — Спорт программаси. 15.55 — Реклама. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — «Санъат ғунчалари». 18.50 — Бугун — Ўрмон ходимлари куни. 19.20 Цирк! 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.00 Время. 21.35 — Пахтакорлар учун музикали программа. 22.35 — «Қўшчинор чироқлари». Видеофильм 3-қисм.

УзТВ-II. Фрунзе. 16.05 — Мультфильм. 16.20 — Реклама. 16.30 — Кант район бадиий ҳаваскорлик коллективлари ижро этади. 17.00 — Телеарена. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Бугун — Ўрмон ходимлари куни. 19.45 — Сари-Челек биосфера қўриқхонаси. 20.00 — Сергей Минаевнинг дискокарнавали. 21.00 — Время. 21.35 — Ч. Айтматов туғилган куннинг 60 йиллигига. «Эрта келган турналар». Спектакль. 23.05 — Бадиий фильм.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 10.15 — С добрым утром! 11.30 — Сиҳат-саломатлик. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Халқ талантларининг концерти. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Ўрмон ходимлари кунига бағишланган концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Театр микрофон олдида. 17.30 — Музикали радиопочта. 18.15 — Ботаника боғида. 18.30 — Бир қўшиқ тарихи. 19.20 — Ёшлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 20.45 — Ўрмон ходимлари учун концерт. 21.15 — Табассум. 22.45 — Ёзги Олимпиада ўйинларида. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Р. — 14150 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 215. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12